



IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

**ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ**

**ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS**

«O‘ZBEKISTON — 2030» STRATEGIYASINI AMALGA OSHIRISH VA UNING MAQSADLI KO‘RSATKICHLARIGA ERISHISH BARCHA DAVLAT ORGANLARI VA TASHKILOTLARI FAOLIYATIDA ENG USTUVOR VAZIFA ETIB BELGILANSIN...

SHAVKAT MIRZIYOYEV

O‘ZBEKISTON





IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS

№ 4 (24)
Oktyabr-Dekabr, 2023-yil

TAHRIR HAY'ATI:

J.Qo'chqorov – O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari – O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vaziri, tahrir hay'ati raisi

U.Obidxo'jayev, DSc – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktori

Z.Xaldarov, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining birinchi o'rinbosari

T.Axmedov, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinbosari

X.Xamidov – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinbosari

D.Kurbanova, i.f.n., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti ilmiy kotibi

S.Chepel, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bosh ilmiy xodimi

N.Rasulov, DSc, dots. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

D.Karimova, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

R.Xasanov, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bo'lim boshlig'i

E.Yakubova, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

M.Axmedova, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

M.Karimov, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

S.Maxmudov, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

TAHRIRIYAT:

Bosh muharrir – **R. Xasanov**

Mas'ul muharrir – **A. Yuldashev**

Texnik muharrir – **I. Odashev**

Kompyuter grafikasi dizayneri – **R. Odilov**

Nashr uchun mas'ul – **N. Primov**

Jurnal Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2019-yil 29-iyundagi 266/8-sonli qaroriga asosan OAK dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga va Rossiya Federatsiyasining Ilmiy iqtibos indeksi (RINS) ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2021-yil 22-aprelda 1043-sonli guvoynoma bo'yicha qayta ro'yxatga olingan.

Bosma ISSN 2181-0567; Elektron ISSN 2181-1830.

Format 84/60, 1/8, 5,5 b.t. Chop etishga 29.12.2023-yilda ruxsat etildi.

Jurnalning «Matbuot tarqatuvchi» AK obuna katalogidagi indeksi – 1360.

Jurnal uch oyda bir marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

«Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» jurnalidan ko'chirib bosish faqat tahririyatning yozma roziligi bilan amalga oshiriladi.

Tahririyat fikri mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin. Maqoladagi ma'lumotlar haqqoniyligiga mualliflar shaxsan mas'ul hisoblanadi.

Tahririyat manzili:

100011, Toshkent sh., Xadra massivi, 33A. Tel.: (+998 71) 244-05-41. E-mail: jurnal@imrs.uz

Tarqatish bo'limi telefoni: (+998 71) 244-05-41

Mundarija / Содержание / Contents

Makroiqtisodiyot, prognozlashtirish va tahlil /
Макроэкономика, прогнозирование и анализ /
Macroeconomics, forecasting and analysis

- 3 **Комилжон ҚЎЗИЕВ.** *Ноқилоқ хўжалиги ерларининг фойдаланиш турлари бўйича аукцион савдоларининг таҳлили*

Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar /
Инвестиции, цифровые и инновационные технологии /
Investment, digital and innovative technologies

- 8 **Нодирбек РАСУЛОВ.** *Етакчи тармоқ ва соҳаларни рақамлаштиришининг иқтисодий имкониятлари*
14 **Дамир АБДУЛОВ.** *Оценка эффективности работы зарубежных налоговых органов*

Sanoat, agrar va hududiy iqtisodiyot /
Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика /
Industry, agriculture, and regional economy

- 20 **Ёдгорбек ЖУРАЕВ.** *Худуд иқтисодиётининг тармоқлараро таркиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари*
25 **Otabek YAX'YAYEV.** *Korxonalarda boshqaruvni takomillashtiruvchi xalqaro modellarning nazariy asoslari*
34 **Dostonbek ESHPULATOV.** *Hududlarda sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirish masalalari: Sirdaryo viloyati Boyovut tumani misolida*

Ijtimoiy masalalar, fan, ta'lim va kambag'allikni qisqartirish /
Социальные вопросы, наука образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education and poverty reduction

- 44 **Рустам ТАШМАТОВ.** *Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув органларининг кадрлар захирасини шакллантириши ва ворисликни режаслаштириши тизимини жорий этиши*
51 **Дилдора КАРИМОВА, Дийдор БЕРДИКЛИЧЕВ.** *Школьное питание как инструмент социальной защиты детей*
57 **Indira KHADJEVA.** *Quality education: a comprehensive analysis of school climate factors effecting student cognitive skills*
68 **Нурбек ЮЛДАШЕВ, Нуриддин НОРМУРОДОВ.** *Аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлашда ижтимоий шартноманинг аҳамияти*

Xizmat ko'rsatish, logistika va infratuzilma /
Сервис, логистика и инфраструктура /
Service, logistics and infrastructure

- 77 **Nigina SULTANOVA.** *Chakana savdo korxonalarining strategik raqobatbardoshligini ta'minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi*

УЎК: 332.24.(575.1)

Комилжон ҚЎЗИЕВ,
*PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини лойиҳа раҳбари,
E-mail: ceep@yandex.ru*

Ноқишлоқ хўжалиги ерларининг фойдаланиш турлари бўйича аукцион савдоларининг таҳлили

Аннотация: мақолада расмий ер бозорида ноқишлоқ хўжалиги ерларининг фойдаланиш турлари бўйича аукцион савдоларининг таҳлили натижалари ёритилган. Ҳудудлар кесимида ер нархининг ўзгаришлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ер бозори, ер турлари, ер аукционни, аукциондаги нархи, лотлар сони, мулк, тадбиркорлик, уй-жой.

**Анализ аукционных продаж земель
несельскохозяйственного назначения по видам
использования**

Комилжон Кузиев,
*PhD (по экономическим наукам),
руководитель проекта Института
макроэкономических и региональных
исследований*

Аннотация: в статье рассматриваются анализ аукционных продаж земель несельскохозяйственного назначения по видам использования. Также, было проанализированы динамика цен земли несельскохозяйственного назначения в разрезе регионах Узбекистана.

Ключевые слова: земельный рынок, виды земельных участков, земельный аукцион, аукционная цена, номер лота, недвижимость, предпринимательство, земли для жилья.

**Analysis of auction sales of non-agricultural land
by type of use**


Komiljon Kuziev,
*PhD (in Economics),
Lead of Project of the Institute for
Macroeconomic and Regional Studies*

Abstract: the article discusses the analysis of auction sales of non-agricultural land by type of use. Also, the dynamics of land prices in the context of regions of Uzbekistan was analyzed.

Keywords: land market, types of land plots, land auction, auction price, lot number, real estate, entrepreneurship, land for housing.

Кириш. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг драйвери сифатида расмий ер бозори шаклланиб бормоқда. Ер участкаларини хусусий мулк сифатида сотиб олиш ва бўш турган ер участкаларини мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи бўйича электрон онлайн-аукционга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган регламентга мувофиқ амалга оширилмоқда [1,2,3].

Ноқишлоқ хўжалиги ерлари аукцион савдосида 2 та ҳуқуқ билан: мулк ва ижара ҳуқуқи асосида савдоларга қўйилмоқда (1-расм).



1-расм. Ноқишлоқ хўжалиги ерларининг аукцион савдоси турлари

Манба: Ер участкаларини хусусийлаштириши бўйича давлат хизматлари кўрсатишига доир маъмурий регламент асосида муаллиф томонидан тузилган [3].

Асосий қисм. 2023 йилнинг январь–октябрь ойларида “Yerelektron” ААТ орқали 20,3 минг лот (720,6 га) мулк ҳуқуқи асосида аукционга қўйилган, 44 минг лот эса (3561 га) ижара ҳуқуқи асосида қўйилган. Буларнинг бошланғич нархи 573,8 млрд. сўм қилиб белгиланган бўлса, аукцион якунида 994 млрд. сўмга (бошланғич нархига нисбатан 1,7 баравар) реализация қилинган. “Yerelektron” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали онлайн аукционга қўйилган ер участкаларининг бошланғич қиймати уларнинг бозор қийматини билдиради [4].

Республика бўйича умумий ҳолда аукцион савдоларида қўйилган лотлар сони 2023 йил октябрь

ойидан жорий йил бошига нисбатан 6,8 баробарга, савдога қўйилган ер ҳажми эса 12,7 баробарга, сотилган қийматнинг ялпи кўрсаткичи 10,9 баробарга ортган. Аукционга ерларнинг кўпроқ чиқарилиши ўртача 1 га ернинг нархининг 0,9 фоизга ёки 89 млн. сўмга арзонлашишига олиб келган. Таклиф омилининг кўпайиши ҳисобига ер аукцион бозорида нарх мувозанатлашган.


Шундан ердан фойдаланиш турлари бўйича:

- мулк ҳуқуқи асосида сотилган ерларнинг ҳажми 15 баробарга (13,5 гектардан 202,4 гектарга), лотлар сони 12,3 баробарга ортган. Бу позиция бўйича ўртача 1 га ернинг нархи ҳам 8 фоизга ортган;

- ижара ҳуқуқи асосида тadbirkorlik фаолияти-ни амалга ошириш учун сотилган ерларнинг ҳажми 12,9 баробарга (110,4 гектардан 1427,2 гектарга), лотлар сони 5,4 баробарга ортган. Натижада ўртача 1 га ернинг нархи ҳам 28 фоизга арзонлашган;

- кўп қаватли уй-жой қуриш учун сотилган ерларнинг ҳажми 6,8 баробарга (9,4 гектардан 64,4 гектарга), лотлар сони 4,9 баробарга ортган. Бирок ўртача 1 га ернинг нархи ҳам 72 фоизга ортиб кетган. Бу ҳолатлар ердан фойдаланувчиларда ерга эгалик қилиш манфаати юқори эканлигини кўрсатади.

Ҳудудлар кесимида ер аукцион савдолари таҳлиллари куйидагиларни акс эттирмоқда. Мулк ҳуқуқи асосида ер аукцион савдолари:



2-расм. Мулк ҳуқуқи асосида ер аукцион савдоларининг 2023 йил январь - октябрь ойларининг таққослама натижалари


Манба: E-IJARA.UZ тизимини қўллаб-қувватлаш ахборот маркази маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. (*Тошкент шаҳрида мулк ҳуқуқи асосида ерлар савдога чиқарилмаган).

Мулк ҳуқуқи асосида аукционда сотилган ўртача 1 га ернинг нархи Самарқанд (-0,2 фоиз пунктга), Сурхондарё (-0,9 фоиз пунктга), Тошкент (-2,4 фоиз пунктга), Навоий (-2,0 фоиз пунктга), Наманган (-1,4 фоиз пунктга), Сирдарё (-2,9 фоиз пунктга) вилоятларида тушган. Юқоридаги вилоятларда сотилган ерларнинг ҳажми 5,3 дан 76,9 баробаргача, лотлар сони эса 4,2 дан 50,3 баробаргача ортган. Шунга мос равишда ўртача 1 га ернинг нархи арзонлашган (2-расм).

Мулк ҳуқуқи асосида аукционда сотилган ўртача

1 га ернинг нархи Қорақалпоғистон Республикасида (1,1 фоиз пунктга), Андижон (1,2 фоиз пунктга), Бухоро (2,5 фоиз пунктга), Жиззах (1,6 фоиз пунктга), Қашқадарё (1,6 фоиз пунктга), Фарғона (1,4 фоиз пунктга), Хоразм (1,4 фоиз пунктга) вилоятларида ортган. Юқоридаги вилоятларда сотилган ерларнинг ҳажми 1,6 дан 37,5 баробаргача, лотлар сони эса 4,9 дан 34 баробаргача ортган. Бирок, ўртача 1 га ернинг нархи ҳам юқорилаган (2-расм).

Ижара ҳуқуқи асосида Тадбиркорлар учун ер аукцион савдолари:




3-расм. Тадбиркорлик учун ижара ҳуқуқи асосидаги ер аукцион савдоларининг 2023 йил январь – октябрь ойларининг таққослама натижалари

Манба: E-IJARA.UZ тизимини қўллаб-қувватлаш ахборот маркази маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бир қатор вилоятларда ерларни ижара ҳуқуқи асосида тадбиркорларга аукционга чиқарилаётган ерлар ҳажми 2023 йилнинг октябрь ойида шу йилнинг январига нисбатан 5,2 дан 56,6 баробаргача, лотлар сони эса 4,2 дан 10,6 баробаргача ортган. Шунга мос равишда ўртача 1 га ернинг нархи арзонлаган. Жумладан, ўртача 1 га ернинг нархи Андижон (-4,1 фоиз пунктга), Бухоро (-2,3 фоиз пунктга), Жиззах (-5,9 фоиз пунктга), Навоий (-1,8 фоиз пунктга), Самарқанд (-3,4 фоиз пунктга), Сурхондарё (-2,4 фоиз пунктга), Қашқадарё (-1,1 фоиз пунктга), Наманган (-10,6 фоиз пунктга), Фарғона (-1,1 фоиз пунктга) вилоятларида тушган (3-расм).

Ижара ҳуқуқи асосида тадбиркорлар учун аукционда сотилган ўртача 1 га ернинг нархи Қорақалпоғистон Республикасида (1,2 фоиз пунктга), Тошкент шаҳрида (2,6 фоиз пунктга), Тошкент (6 фоиз пунктга), Сирдарё (1,5 фоиз пунктга), Хоразм (1,2 фоиз пунктга) вилоятларида ортган. Бу вилоятларда сотилган ерларнинг ҳажми 4,5 дан 20,3 баробаргача, лотлар сони эса 4,1 дан 22 баробаргача ортган. Бирок ўртача 1 га ернинг нархи ҳам қимматлашган (3-расм).

Кўп қаватли уй-жой қуриш учун ер аукцион савдолари:



4-расм. Ижара ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун аукционга чиқарилган ерларнинг 2023 йил январь - октябрь ойларидаги таққослама натижалари

Манба: E-IJARA.UZ тизимини қўллаб-қувватлаш ахборот маркази маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Айрим вилоятларда ижара ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун аукционга чиқарилган ерларнинг ҳажми ортиши натижасида ер нархи тушганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2023 йилнинг октябрь ойида шу йилнинг январига нисбатан ўртача 1 га ернинг нархи Андижон (-0,8 фоиз пунктга), Қашқадарё (-0,2 фоиз пунктга), Наманган (-0,6 фоиз пунктга), Сирдарё (-0,7 фоиз пунктга), Фарғона (-0,9 фоиз пунктга) вилоятларида тушган. Нарх тушишига уй-жой қуриш учун аукционга чиқарилаётган ерлар ҳажми 2023 йилнинг октябрь ойида шу йилнинг январига нисбатан 5,3 дан 84,9 баробаргача, лотлар сони эса 4,2 дан 10,6 баробаргача ортган. Шунга мос равишда ўртача 1 га ернинг нархи арзонлашган (4-расм).

Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Навоий ва Жиззах вилоятларида ижара ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун аукционга чиқарилган ерларнинг ҳажми, лотлар сони ва нархи ортган. Жумладан, 2023 йилнинг октябрь ойида шу йилнинг январига нисбатан ўртача 1 га ернинг нархи Қорақалпоғистон Республикасида (6,5 фоиз пунктга), Бухоро (2,3 фоиз пунктга), Тошкент (6 фоиз пунктга), Самарқанд (2,3 фоиз пунктга), Сурхондарё (23,2

фоиз пунктга) Хоразм (96,2 фоиз пунктга), Навоий (1,3 фоиз пунктга), Жиззах (1,0 фоиз пунктга) вилоятларида ортган. Юқоридаги вилоятларда сотилган ерларнинг ҳажми 1,3 дан 96,1 баробаргача, лотлар сони эса 1,6 дан 22 баробаргача ортган. Бироқ ўртача 1 га ернинг нархи ҳам қимматлашган (4-расм).

Хулоса ва таклифлар.

Ушбу таҳлиллардан қуйидаги хулосалар олинди: Деярли ҳамма вилоятларда фойдаланиш турлари бўйича 2023 йилнинг январь-октябрь ойларида аукционга қўйилган ер майдонларининг ҳажми ортган. Натижада ер аукционларида 994 млрд. сўмлик савдолар амалга оширилиб, унинг маълум қисми маҳаллий бюджетга тушум қилинди.

Фақат Тошкент шаҳрида 2023 йилнинг январь - октябрь ойларида аукционга мулк ҳуқуқи асосида яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер майдонлари қўйилмаган.

Аукционга чиқарилган энг кўп ер ҳажми (1427,2 гектар) ижара ҳуқуқи асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун сотилган ерларга тўғри келмоқда. Бу позицияда аукционга қўйилган ер ҳажмининг ортиши ўртача 1 гектар ернинг нархи 28% га тушишига олиб келган.

Мамлакат миқёсидаги умумий ҳолдаги аукцион таҳлилларида ижара ҳуқуқи асосида кўп қаватли уй-жой учун сотилган ерларнинг ҳажми 6,8 баробарга ортган. Бироқ ўртача 1 га ернинг нархи ҳам 72 фоизга ортиб кетган. Бу ҳолатлар ердан фой-

даланувчиларда ерга эгаллик қилиш манфаати юқори эканлигини кўрсатади.

Аукцион савдоларини янада такомиллаштириш орқали расмий ер бозорининг қамровини ошириш тавсия қилинади.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикасининг 15.11.2021 йилдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириши тўғрисида” ги ЎРҚ-728-сон Қонуни.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиши ва уларни бозор активига айлантириши чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6243-сон Фармони.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 сентябрдаги “Деҳқон хўжаликлари ташкил этишини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-373-сон Қарори.*
4. *Комилжон Қўзиев. Ер ресурсларини бирламчи ва иккиламчи бозорлардаги айланмасининг статистикасини шакллантириши масалалари. Статистика тизимини ривожлантиришининг миллий стратегияси: назария ва амалиёт//ТМИ 19 октябрь 2023 йил 16-21 бетлар.*

Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, digital and innovative technologies

УЎК: 330.336.330.322.(575.1)

Нодирбек РАСУЛОВ,
*Иқтисодиёт фанлари доктори, доцент,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти
лойиҳа раҳбари,
E-mail: bek_nn@mail.ru*

Етакчи тармоқ ва соҳаларни рақамлаштиришнинг иқтисодий имкониятлари

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни янада фаоллаштириши, етакчи тармоқ ва соҳаларда, жумладан, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт ва энергетика соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни кенг жорий этиши орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириши бўйича муаллифлик ёндашувлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириши, инвестиция, инновация, рақамли иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, иқтисодий салоҳият, иқтисодий имконият, иқтисодий ўсиши, рақобат.

Экономические возможности цифровизации ведущих отраслей и секторов

Нодирбек Расулов,
*Доктор экономических наук, доцент,
Руководитель проекта Института
макроэкономических и региональных исследований*

Аннотация: в статье рассмотрены авторские подходы активизации процесса цифровой экономики Узбекистана и к развитию национальной экономики посредством широкого внедрения современных информационно-коммуникационных технологий в ведущих отраслях и секторах, включая государственного управления, образование, здравоохранение, транспорт и энергетики.

Ключевые слова: цифровизация, инвестиции, инновации, цифровая экономика, национальная эко-

номика, экономический потенциал, экономические возможности, экономический рост, конкуренция.

Economic opportunities for digitization of leading industries and sectors

Nodirbek Rasulov,
*DSc (in Economics), assistant professor,
Project Manager at the Institute for Macroeconomic
and Regional Studies*

Abstract: the article discusses the author's approaches to activating the process of the digital economy of Uzbekistan and to the development of the national economy through the widespread introduction of modern information and communication technologies in leading industries and sectors, including public administration, education, healthcare, transport and energy.

Keywords: digitalization, investment, innovation, digital economy, national economy, economic potential, economic opportunities, economic growth, competition.

Кириш. Бугунги кунда рақамли технологияларнинг ривожланиши ва унинг иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омиллардан бирига айланаётганлиги ҳамда бу жараён миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларига жадал кириб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Шу боис халқаро амалиётда иқтисодиётни рақамлаштириш, унинг

даражасини баҳолаш билан боғлиқ кўплаб рейтинглар мавжуд. Мазкур рейтингларда турли даражадаги маълумотлар, кўрсаткичлар, индикаторлар ва субиндикаторлардан фойдаланган ҳолда турли давлатлар иқтисодиётини рақамлаштириш даражаси баҳоланади. Шундай муҳим рейтинг кўрсаткичлардан бири рақамли технологияларни жорий қилиш ёки иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларини рақамлаштириш индекси ҳисобланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) 2022 йилги маълумотларига кўра, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларини рақамлаштириш индекси бўйича рейтингнинг биринчи учлигини Ирландия, Жанубий Корея ва Япония эгаллаган бўлса, кейинги ўринларда навбати билан АҚШ 7-ўринни, Хитой 12-ўринни эгаллаган [1].

Жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, ахборот технологиялари соҳасида эришилаётган ютуқлар ўз навбатида Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни янада фаол ривожлантириш, барча тармоқ ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва транспорт, энергетика соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу борада электрон ҳукумат доирасида турли хил лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, буларга иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига АКТни жорий этиш, ҳудудлар ва мамлакат иқтисодиёти тармоқларини рақамли ўзгартириш бўйича 280 дан ортиқ лойиҳаларнинг амалга оширилиши, Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинисини таъминлаш каби муҳим вазифалар киради.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий имкониятларнинг кенгайишига, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда экологик муаммоларни тез ва арзон ҳал қилишга имконият яратади. Айнан иқтисодиётни рақамлаштириш орқали жамиятдаги мавжуд муаммолар тизимлашади ва уларни ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш ҳамда мониторингини олиб бориш электрон шаклга ўтади.

Демак, таъкидлаб ўтилган муаммоларни ҳал этишда ахборот технологияларини қўллаш, инсон омилини камайтириш келгусида иқтисодий самара-

дорлик кўрсаткичларига, ишлаб чиқариш жараёнида яратилаётган қўшилган қийматнинг ортишига, бандлик муаммосини ҳал этишга, аҳолининг даромадлилик даражаси ортишига, харажатларнинг оптималлаштирилишига ҳамда савдо-сотиқнинг янада тезлашувига олиб келади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Иқтисодиётдаги устувор тармоқ ва соҳаларни рақамлаштиришнинг иқтисодий имкониятларини ўрганиш, тадқиқ этиш, рақамлаштиришнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш билан боғлиқ маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, XXI асрнинг бошларидан мазкур йўналиш бўйича олимларнинг тадқиқотлари, излавишлари кескин ортган. Бунга мисол қилиб, АҚШ, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Япония ва Германия каби мамлакатларни келтиришимиз мумкин. Жумладан, иқтисодиётни рақамлаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар хорижлик олимлардан D.Tapscott [2], N.Lane [3], T.Mesenbourg [4], M.Кастелсс, Е.Попов [5], А.Кунцман, Р.Бухт, Р.Хикс, М.Положихина, И.Стрелкова, М.Калужский, Р.Салоу ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистонда рақамлаштириш, иқтисодиётда ахборот технологияларидан фойдаланиш, рақамли иқтисодиётни ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этишнинг долзарб масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар С.Гулямов [6], К.Абдурахманов, Р.Аюпов, М.Абдуллаев, О.Умаров, Л.Раҳманов каби маҳаллий олимларимиз томонидан олиб борилган. Уларнинг илмий тадқиқотларида ахборот технологияларининг иқтисодиётда туган ўрни, рақамлаштиришнинг иқтисодий жиҳатлари ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг институционал жиҳатлари ўрин олган. Бирок мамлакатимизда олиб борилаётган тадқиқотларда етакчи тармоқ ва соҳаларни рақамлаштириш ва уларнинг иқтисодиётга таъсири етарлича ўрганилмаган. Шу боис мазкур тадқиқотимизда ушбу йўналишларга эътибор қаратилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида мантиқий ва таққослаш, тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез ҳамда ижтимоий кузатув усулларида фойдаланилди. Тадқиқот ва излавишлар давомида миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқ ва соҳаларини рақамлаштиришнинг иқтисодий имкониятлари, соҳаларни рақамлаштиришда давлатнинг ўрға ва узоқ стратегиялари ва ҳамда Ўзбекистонда 2030 йилга қадар иқтисодиётнинг турли

тармоқларини рақамлаштиришда амалга оширилиши зарур бўлган мақсад ва вазифаларни таҳлил қилиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда юқорида келтирилган тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида тадқиқот олиб бораётган мутахассислар ва олимларнинг таъкидлашича, жумладан, В. Қобулов, А. Мусалиев, Д.Расулев, Б.Бегалов, А. Кенжабоев, И. Жуковская, О. Умаровлар миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини турли муаммоларини ҳал қилишда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг назарий ва услубий жиҳатларини ўзларининг илмий ишларида ёритиб беришган.

2026 йилга қадар ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали янгидан яратилаётган иш ўринларининг 22-25 фоизи интернет технологиялари ёрдамида пайдо бўлади. Келгуси беш йилда саноат корхоналари фаолиятига ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг таннархи ўртача 13-15 фоизга пасайиши мумкин¹.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва замонавий инфратузилмани қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда [7].

Шу боис мамлакатимизда ҳам иқтисодий ислохотларни амалга оширишда рақамли технологияларни ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023

йил 11 сентябрда қабул қилинган ““Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони шулар жумласидандир [8]. Мазкур фармонда Ўзбекистонни 2030 йилга қадар турли соҳаларда рақамлаштириш жараёнларини амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Бу йўналишларга таълим тизими, тиббиёт, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, маданий мерос, энергетика, маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари ҳамда мудофа тизимини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Хусусан, “Ўзбекистон–2030” стратегиясида олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш учун уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида улар тасарруфидаги кутубхоналарни камида бир миллион дона замонавий адабиётлар билан тўлдириш ва кутубхона фондиди тўлиқ рақамлаштириш белгилаб берилган. Жамият учун энг муҳим бўлган тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш орқали тизимдаги барча муассасаларни рақамлаштиришни 100 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Устувор тармоқ ва соҳаларни рақамлаштиришнинг иқтисодий имкониятларини янада ошириш мақсадида мамлакатимизни 2030 йилга қадар рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда Марказий Осиёда минтақавий “IT-HUB”га айлантириш белгиланган. Бунинг учун Ўзбекистонда фаолият юритаётган IT-паркларда хорижий компаниялар учун “Рақамли технологиялар халқаро маркази”ни ташкил қилиш орқали хорижий компаниялар ваколатхоналари сонини 1000 тага етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун Стартап лойиҳаларни IT-паркнинг акселерация (ривожлантириш) дастури орқали қўллаб-қувватлаш йўли билан миллий бозор капиталлашувини 1 млрд. АҚШ долларига тенг биринчи (Unicorn) стартап лойиҳасини чиқариш назарда тутилган. Шу билан бирга, “Рақамли ҳукумат” дастури доирасида 300 та устувор лойиҳаларни ишга тушириш, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларини бешинчи авлод алоқа тармоғи билан қамраб олиш амалга оширилади.

Мамлакатимизда аҳолининг саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан миллий кадриятлар ва жаҳон маданияти, амалий ва фундаментал билимлардан

**2030 йилга қадар рақамли
технологияларни ривожлан-
тирган ҳолда Марказий Осиёда
минтақавий “IT-HUB”га
айлантириш белгиланган.**

1. Д. Махмудова. “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш” SCIENCE AND INNOVATION 1 (A7), 462-469. 2022

бахраманд бўлишини таъминлаш мақсадида аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш борасида 40 миллионга яқин китоб фондиди рақамлаштириш мақсад этиб белгиланди. Шу билан бирга, маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва оммалаштириш билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштириш учун мамлакатимизда мавжуд бўлган 2,5 миллион дона музей ашёсини рақамлаштириш ва аҳолини мазкур объектлар тўғрисида тезкор маълумотлар олишга бўлган имкониятларини яратиш муҳим ҳисобланади. Мазкур вазифаларни бажариш учун албатта мустаҳкам давлат бюджети бўлишлиги талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан стратегияда мамлакатимизда фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш учун амалиётда маркировкалаш ва рақамлаштириш тизими самарасини ошириш ва кенгайтириш орқали солиқ маъмурчилиги тизимининг самарадорлигини янада оширишга катта эътибор қаратилади.

Умуман олганда стратегияда белгиланган мақсадларга эришиш учун республикаимизда энергетика хавфсизлиги ҳар томонлама кафолатланган бўлиши талаб этилади. Бунинг учун кейинги етти йил ичида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида барча турдаги энергия ресурслари ҳисобини юритишни тўлиқ рақамлаштириш амалга оширилади. Монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш борасида солиқ тизимини тўлиқ рақамлаштириш, соддалаштириш ва барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш, расмий сектор – нолегал фаолиятдан афзал ва манфаатли бўлиши учун барча зарур шароитларни таъминлаш амалга оширилади. Стратегияда рақамлаштириш билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат бу – аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда фуқароларнинг кундалик масалаларини ҳал этишда маҳаллани жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги “таянч кўприк”ка айлантатириш белгиланган. Бунинг учун маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни 100 фоиз рақамлаштириб, ҳар бир маҳаллада “электрон хизмат нукталари”ни ишга тушириш амалга оширилади.

Мамлакатда етакчи тармоқ ва соҳаларни рақамлаштириш биринчи навбатда иқтисодиётни

ривожлантиришга туртки берса, иккинчидан, йирик саноат корхоналари иш самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқаришда ўсишга, бошқарув фаолиятида шаффофликни таъминлашга ҳамда маҳсулот таннархининг камайишига имкон беради. Яна бир муҳим жиҳати етакчи тармоқ ва соҳаларни рақамлаштириш орқали миллий иқтисодиётни ривожлантиришга замин яратилади. Бу эса ўз навбатида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг ортишига олиб келади. Бугунги кунда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,77 фоизни ташкил этади. “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ, 2025 йилга бориб ЯИМда АКТ улушини 5,0% га, 2030 йилда эса 10% гача оширишга эришилади [9].

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг турли хизматлардан фойдаланганлик учун харажатлар камаяди. Истеъмолчиларда товарлар ва хизматлар тўғрисида кўпроқ ҳамда тезроқ маълумот олишга имкониятлар пайдо бўлади.

Иқтисодиётни рақамлаштириш орқали қуйидаги имкониятлар пайдо бўлади:

- ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари кенгайди;

- хўжалик субъектлари, яъни тадбиркорлар учун истеъмолчилар фикрини тез олиш ҳисобига (фидбек [10]) товар ҳамда хизматларни тезроқ ишлаб

**Бугунги кунда
Ўзбекистонда рақамли
иқтисодиётнинг ялпи ички
маҳсулотдаги улуши
2,77 фоизни ташкил этади.
“Электрон ҳукумат” тизимини
ривожлантириш концепцияси
лойиҳасига мувофиқ, 2025 йилга
бориб ЯИМда АКТ улушини
5,0% га, 2030 йилда эса
10% гача оширишга
эришилади.**

чиқариш, уларни трансформация қилиш, модернизацциялаш ва рақобат муҳитининг яхшиланишига олиб келади;

- ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлиги ортади ва компаниялар ўртасида ўзаро рақобат кучаяди;

- ишлаб чиқариш харажатлари камаяди;

- ёшлар учун кенг имкониятлар яратилиши натижасида замонавий касблар пайдо бўлиши ҳисобига янги иш жойлари ташкил этилади;

- аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида соғиб олган товар ва хизматлари учун тўланадиган суммани электрон шаклда амалга ошириш имкониятлари янада кенгайди;

- мамлакатдаги мавжуд ижтимоий тенгсизлик билан боғлиқ масалалар бўйича (ягона ижтимоий реестр, темир дафтар, аёллар дафтари, ёшлар дафтари) электрон платформа доимий давлат назоратида бўлади.

Демак, Ўзбекистонда “Ўзбекистон–2030” стратегияси ҳамда “Рақамли Ўзбекистон–2030” дастурининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши, энг аввало, иқтисодий рақамлаштириш борасида пухта ва мукамал ташкилий-ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, инновацион ишланма ва ғоялар, замонавий технологияларни амалиётга жорий этиш жараёнларини янада тезлаштиради. Бу эса давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни рақамли технологиялар билан қамраб олиш, бу борада замонавий билимларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли кадрларни етиштириш, шу орқали, мамлакатда “ахборотлашган жамият” муҳитини яратишга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқотимиз давомида амалга оширилган таҳлиллар, кузатишлар натижаси шуни таъкидлайдики, рақамли иқтисодийнинг шаклланиши учун тармоқ ва соҳалар муайян базага ҳамда керакли инфратузилмага эга бўлиши керак. Бу қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- тармоқ ва соҳаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб рақамли инфратузилма ва стандартларини ишлаб чиқиш;

- рақамлаштириш билан боғлиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида On-line хизматларини янада кенгайтириш;

- ахборот технологиялари соҳасида малакали,

замонавий талабларга жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш ва уларга меҳнатига муносиб иш ҳақи беришни таъминлаш;

- рақамли экотизимларда ахборот оқимлари ва билимларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича жаҳондаги тенденцияларни ўрганиб бориш.

Бугунги кунда миллий иқтисодий тизимни етакчи корхона ва ташкилотлари ўзларининг иш фаолиятига ахборот технологияларини қўллаш, жараёнларни тўла рақамлаштириш орқали юқори синергетик самарага эришишлари учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурагимиз:

- рақобатбардош иқтисодий ривожлантиришда амалиётга бозор иқтисодиёти қонунларини тўла жорий этиш;

- яширин иқтисодий кўламини кискартирадиган, инсон омилидан камроқ фойдаланиладиган технологияларни амалиётга жорий этиш;

- рақобатбардош мутахассисларни танлаб олиш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантирадиган хорижий тажрибалардан фойдаланиш;

- истеъмолчи, ишлаб чиқарувчи ҳамда воситачилар ўртасида ахборот маҳсулотлари бозорини доимий ва узлуксиз ишлайдиган масофавий тизимни ишлаб чиқиш;

- бошқарув, саноат ишлаб чиқариш ва барча соҳаларда шаффофликнинг таъминланиши ҳисобига коррупция даражасини камайтириш [11];

- ахборот-коммуникацион тизимларни яхшилаш, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ва имкониятлари ҳақида маълумотлар базасини яратиш.

Умуман олганда, бугунги кунда рақамли технологиялар жаҳон иқтисодий тизимининг барча субъектларини рағбатлантирадиган, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг ажралмас қисми ҳамда ижтимоий тараққиётнинг асосига айланиб улгурди. Шу боис, Ўзбекистон ҳам ахборот технологияларининг ривожланиши, жамиятнинг турли соҳа ва тармоқларига кириб келиши, ўз навбатида дунёнинг аксарият мамлакатлари сингари, ҳаётнинг барча соҳаларида билим, фан, техника ва ахборотнинг муҳим роли билан ажралиб турадиган бошқа технологик инқилоб, янги цивилизациянинг пайдо бўлиши арафасида. Зеро, ҳозирги мураккаб ва глобаллашув даврида Ўзбекистон учун анъанавий бўлган иқтисодийдан имкон қадар тезроқ замонавий ахборот, интеллектуал, рақамли иқтисодийга асосланган иқтисодийга ўтиш жуда муҳимдир.

Манба адабиётлар

1. <https://ru-bezh.ru/journal-39/49106-tsifrovizatsiya-v-mezhdunarodnom-masshtabe>
2. Tapscott, D. and Tapscott, A. (2016) *Blockchain Revolution: How the Technology behind Bitcoin Is Changing Money, Business, and the World*. Penguin, New York. <https://www.amazon.com/Blockchain-Revolution-Technology>
3. Lane Neal. *Advancing the Digital Economy into the 21st Century (Assistant to the US President for Science and Technology)*, 1999.
4. Клаус Шваб. *Четвертая промышленная революция*. – М., Эксмо. 2016.
5. Попов Е.В., Семячков К.А. Особенности управления развитием цифровой экономики // *Менеджмент в России и за рубежом*. 2017. № 2. С. 54-61.
6. С.Гулямов, Р.Аюпов, О.Абдуллаев, Р.Балтабаев. *Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари* // Тошкент, 2019 й.
7. Расулов Н.М. Глобал иқтисодий силкинишлар шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантириши истиқболлари / “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар” мавзусидаги онлайн илмий-масофавий конеренцияси тезислар тўплами. www.e-science.uz. 30 апрел 2020 йил, 241-246 бетлар.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/6600413>.
9. Расулов Н.М. *Рақамли иқтисодиёт: мазмуни, моҳияти ва ривожлантириши омиллари* / “Иқтисодиётнинг ижтимоий секторини ривожлантиришининг долзарб масалалари: миллий ва хорижий тажриба” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция илмий мақолалар тўплами. Андижон, 15 май 2020 йил, 252-255 бетлар.
10. <https://neiros.ru/blog/business/chto-takoe-fidbek-i-ego-rol-v-biznese/>
11. Расулов Н.М. *Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришининг устувор йўналишлари / Янги Ўзбекистон иқтисодиёти: устувор йўналишлар ва келажак истиқболлари. XIV Ўзбекистон иқтисодчилар форуми мақолалари тўплами (14 октябрь 2022 йил)*. – Тошкент: IFMR, 2022. – Б. 86-93.

УЎК: 336.22.(575.1)

Дамир АБДУЛОВ,
старший преподаватель кафедры
государственного управления Ташкентского государственного
юридического университета,
E-mail: damir_r79@mail.ru

Оценка эффективности работы зарубежных налоговых органов

Аннотация: проанализированы теоретические аспекты налогового администрирования, раскрыто его понятие налоговой системы, элемента налоговой системы, функций налогового администрирования, тенденции развития налоговой системы, проведен небольшой анализ ключевых особенностей, характеризующие сущность и содержание налогового администрирования в современных условиях.

Ключевые слова: налоговая система, налоговое администрирование, элемента налоговой системы, сущность и содержание налогового администрирования, цифровых технологий.

Xorijiy soliq boshqarmalarida operatsion boshqaruv samaradorligini baholash

Damir Abdulov,
Toshkent davlat yuridik universiteti
davlat boshqaruvi kafedrasida katta o'qituvchisi

Аннотация: soliq ma'muriyatchiligining nazariy jihatlari tahlil qilinadi, uning soliq tizimi tushunchasi, soliq tizimining elementi, soliq ma'muriyatchiligining funktsiyalari, soliq tizimining rivojlanish tendensiyalari ochib beriladi. Zamonaviy sharoitda soliq ma'muriyatchiligining mohiyati va mazmunini tavsiflovchi asosiy xususiyatlarning kichik tahlili amalga oshirilmoqda.

Калит so'zlar: soliq tizimi, soliq ma'muriyati, soliq tizimining elementlari, soliq ma'muriyatchiligining mohiyati va mazmuni, raqamli texnologiyalar.

Assessment of operational management effectiveness of foreign tax authorities

Damir Abdulov,
Senior Lecturer, Department of State management,
Tashkent State University of Law

Abstract: the theoretical aspects of tax administration are analyzed, its concept of a tax system, an element of the tax system, functions of tax administration, trends in the development of the tax system are revealed, a small analysis of key features that characterize the essence and content of tax administration in modern conditions is carried out.

Keywords: tax system, tax administration, elements of the tax system, the essence and content of tax administration, digital technologies.

Введение. В институциональной архитектуре системы налогового администрирования любой страны важное место принадлежит структуре и иерархии налоговых органов. При формировании институциональной структуры налоговых органов в различных государствах, на наш взгляд, должны быть учтены следующие обстоятельства: наличие стабильно функционирующей правовой системы, уровень экономического развития и имеющиеся национальные традиции.

Процесс изучения передового зарубежного опыта ставит перед собой задачу в двух планах: определение системных проблем в деятельности налоговых органов и избрать соответствующий передовой

зарубежный опыт по путям решения этих проблем. К числу таких проблем в практике налогообложения нашей страны можно отнести систему управления и контроля над сферой налогообложения в целом. В рамках данной проблемы оправданно будет обратиться к опыту налогового администрирования успешных развитых стран, таких как: Швеция, Дания, Норвегия, Германия, Франция, Южная Корея, Россия и Япония [1].

Приведем несколько примеров. Швеция является одной из самых налоговых стран в мире. Налоговые доходы составляют около 45% ВВП, и большинство налоговых поступлений идут в государственный бюджет. В этом анализе мы рассмотрим эффективность деятельности налоговых органов в Швеции.

Шведская налоговая система основана на принципе самооценки, при котором налогоплательщики сами оценивают свой доход и платят налоги в соответствии с этой оценкой. Однако, налоговая служба проверяет эти оценки и проводит аудиты для обеспечения соблюдения законов и правил налогообложения.

Согласно отчету Шведской налоговой службы за 2020 год, общий объем налоговых поступлений составил 1 728 миллиардов шведских крон (около 200 миллиардов долларов США). Из них 1 016 миллиардов шведских крон (около 120 миллиардов долларов США) были собраны через налоговую

службу. Оставшиеся налоговые поступления были получены через другие органы государственного управления.

Налоговая система Дании состоит из нескольких видов налогов, включая налог на доходы физических лиц, налог на прибыль предприятий, НДС, налог на недвижимость и другие. В 2019 году налоговые поступления в Данию составили 46,8% от ВВП, что является одним из самых высоких показателей в мире.

Несмотря на высокий уровень налоговых поступлений, налоговые органы Дании успешно справляются с задачей сбора налогов. В 2019 году уровень сбора налогов в Дании составил 91,2%, что является одним из самых высоких показателей в мире.

Налоговая система Норвегии считается одной из наиболее развитых и эффективных в мире. Способствующим эффективности налоговой системы в Норвегии, является высокий уровень автоматизации и использования цифровых технологий. Например, в 2020 году более 90% налогоплательщиков подавали декларации о доходах через электронную систему, что позволяет сократить время на обработку документов и уменьшить количество ошибок.

В целом, можно выделить общие и особые моменты налогового администрирования, присущие исследуемым странам – Швеции, Дании и Норвегии (таблица 1).

Таблица 1

Общие и особые моменты системы налогового администрирования Швеции, Дании и Норвегии [2]

Критерии	Система налогового администрирования		
	Швеции	Дании	Норвегии
Особые моменты системы налогового администрирования			
Ответственный орган системы налогового администрирования	Налоговый департамент министерства финансов	Министерство Налогообложения	Налоговая администрация
Система оценки работы налоговых инспекторов	Система балльной оценки работы налоговых инспекторов, осуществляющих контрольные проверки	Оценка работы подразделений и сотрудников налоговых органов на базе четких критериев	Камеральные проверки проводятся налоговыми аудиторами. Выездные проверки проводят налоговые инспекторы, которые по сравнению с налоговыми аудиторами являются более опытными и квалифицированными специалистами
Специализированные посредники в налоговой сфере	Налоговые консультанты	Консультации по налогообложению дают юристы и бухгалтеры	Специализированные фирмы - налоговые агенты

Надзор за качеством работы налоговых органов	Департамент министерства финансов по контролю по администрированию налогообложения	Служба казначейства	Счетная Палата
<p>Общие моменты системы налогового администрирования</p> <ul style="list-style-type: none"> - для всех стран присущи четкая регламентация процедур налогового контроля и строгих мер принуждения; - высокий уровень развития информационной автоматизации налогового администрирования и доступ налоговых служб к обширным информационным ресурсам; - налоговые службы обладают обширными информационными ресурсами, включающими данные об имуществе, доходах и расходах налогоплательщиков, что позволяет осуществлять мониторинг без проведения контрольных процедур в стенах налогоплательщика; - характерны следующие перспективные направления информационного обслуживания налоговых органов и налогоплательщиков: предоставление деклараций в электронном виде; внедрение технологий по уплате налогов в электронном виде; предоставление онлайн-доступа к информации о состоянии расчетов с бюджетом, постановка на налоговый учет без контакта с будущим налогоплательщиком. В случае возникновения каких-либо вопросов с ним осуществляется переписка. 			

Источник: Составлена автором на основе данных Налоговой администрации этих стран.

Приоритетными направлениями на 2023-2024 гг. являются цифровизация в сфере администрирования налогов с заработной платы, а также совершенствование уже созданной единой информационной среды налоговых и таможенных органов. Последняя должна полностью перейти на электронный документооборот счетов-фактур и всей отчетности, включая налогоплательщиков, применяющих специальные налоговые режимы.

Резюмируя вышеизложенное, можно сказать, что налоговые системы и структуры всех рассмотренных стран продолжают активно развиваться и модернизироваться. Мировой опыт показывает, что налоговый механизм включает в себе огромные возможности воздействия на развитие предпринимательской деятельности, динамику и структуру общественного производства, его размещения [3]. Необходимо понимать, что менталитет и различные факторы экономики в республике и в перечисленных странах кардинально отличаются, поэтому

введение и использование как некоторых налогов, практикуемых за рубежом, так и структур налогового администрирования, невозможно на данном этапе становления отечественной системы.

Для Узбекистана в целях совершенствования системы налогового администрирования может быть полезен опыт применения некоторых мер, применяемых в выбранных нами для анализа стран, по причине того, что у скандинавских стран во все времена сохраняется самая высокая доля налоговых поступлений в ЕС. Безусловно, у налоговой системы Узбекистана есть, что перенять у других стран, а именно: четкость организации налоговой политики; отлаженность работы налоговых органов; гибкость и оперативность налоговой политики; понятность и прозрачность законов в сфере налогообложения.

Налоги рассматриваемых нами стран можно разделить на четыре подкатегории, которые представлены в таблице 2.

Таблица 2

Налогообложение в странах Северной Европы, США и Азии, в % от ВВП

	Дания	Норвегия	Швеция	Германия	Франция	США	Япония	Южная Корея
Подоходный налог с физ.лиц	52,2	25,4	29,0	26,6	21,1	42,1	18,7	20,4
Налог на имущество	4,0	2,9	2,3	3,1	8,5	11,4	8,1	15,2
Налог на потребление	29,7	25,7	28,2	26,6	27,1	16,6	20,9	23,1
Налог на социальное обеспечение/страхование	0,1	22,9	21,2	37,7	32,8	23,8	40,4	26,2
Корпоративный подоходный налог	8,0	23,0	7,1	5,9	5,6	6,0	11,7	12,8
Общая сумма налогов	94,0	99,9	87,8	99,9	95,1	99,9	99,8	97,7
Другое	6,0	0,1	12,2	0,1	4,9	0,1	0,2	2,3
Налоговая нагрузка на экономику, в % ВВП (налоговые поступления в % от ВВП)	44,9	39,0	44,0	38,2	46,1	24,0	н/д	28,4

Источник: по данным «The Tax Foundation» the leading independent 501(c)(3) tax policy organisation, 2022, <https://www.oecd.org/tax/tax-policy/revenue-statistics-tax-structures.htm>

В целом, представленные страны в таблице выше, больше полагаются на налоговые поступления от индивидуальных подоходных налогов (в среднем 29,4%), налогов на социальное страхование (25,6%) налогов на потребление (24,7%), чем на корпоративные подоходные налоги (10%) и налоги на имущество (6,9%).

В зарубежной практике исторически сложилось так, что эффективность деятельности налоговых органов оценивалась по количественным показателям, таким как количество проведенных налоговых проверок, количество заполненных налогоплательщиками налоговых деклараций и другим аналогичным показателям [4]. С развитием коммуникационных и информационных технологий начали применяться и качественные показатели, используемые для оценки эффективности работы налоговых органов. К таким качественным показателям можно отнести уровень качества государственных услуг, предоставляемых налоговыми органами налогоплательщикам, степень удовлетворенности налогоплательщиков деятельностью налоговых органов, соответствие потребностям налогоплательщиков и другие. В развитых странах внедрена система стратегического планирования и управления налоговыми органами, ориентированная на результат.

Таким образом, в зарубежных странах в отношении организации работы налоговых органов нет единого подхода. Во многом структура и иерархия налоговых органов зависит от исторического развития, национальных традиций, а также выбранных каждой страной приоритетов налогового администрирования [4].

4. Robotlar. Robotlar FMS doirasida materiallarni qayta ishlash, yig'ish, payvandlash yoki tekshirish kabi vazifalar uchun ishlatiladi. Ular avtonom tarzda yoki ishchilar bilan hamkorlikda ishlashi mumkin.

5. Tekshirish tizimlari. Sifat nazorati ishlab chiqarish jarayonlarida muhim ahamiyatga ega. FMSga integratsiyalangan tekshirish tizimlari ishlab chiqarish jarayonida mahsulotlarning talab qilinadigan texnik talablarga javob berishini ta'minlaydi.

Moslashuvchan ishlab chiqarish tizimlarining afzalliklari quyidagilardan iborat:

1. Samaradorlikni oshirish. FMS o'rnatish vaqtini qisqartirish va mashinalar o'rtasida samarali muvofiqlashtirish tufayli tezroq ishlab chiqarish sikllarini ta'minlaydi.

2. Kengaytirilgan moslashuvchanlik. Turli mahsulotlar o'rtasida tezda almashish yoki o'zgaruvchan mijozlar talablariga moslashish qobiliyati FMS dan foydalanadigan ishlab chiqaruvchilarga dinamik bozorlarda raqobatbardosh bo'lish imkonini beradi.

3. Sifat nazorati yaxshilanadi. FMS doirasida tekshirish tizimlarining integratsiyasi ishlab chiqarish jarayonida nuqsonlarni erta aniqlashga yordam beradi, yaroqsiz mahsulotlar miqdorini kamaytiradi va yuqori sifatli mahsulotlarni ta'minlaydi.

4. Xarajatlarni kamaytirish. Takroriy vazifalarni avtomatlashtirish va resurslardan foydalanishni optimallashtirish orqali FMS mehnat xarajatlarini kamaytirishi va moddiy chiqindilarni minimallashtirishi mumkin.

5. Yuqori samaradorlik. FMS uzluksiz ishlashi mumkin, umumiy uskunadan foydalanish samaradorligini oshiradi va bo'sh vaqtni qisqartiradi.

Xulosa qilib aytganda, Moslashuvchan ishlab chiqarish tizimlari moslashuvchanlikni, mahsuldorlikni va iqtisodiy samaradorlikni oshirishni taklif qiluvchi avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish tizimlaridir. Ular o'zgaruvchan ishlab chiqarish talablariga moslashish va ishlab chiqaruvchilarga mijozlar talablarini samarali qondirish uchun ilg'or texnologiyalardan foydalanadilar.

Nazariy na'munaviy misollar:

“Just in time” (JIT) – “O'z vaqtida”ga na'muna keltiramiz. Misol: Fast-fud restorani chiqindilarni minimallashtirish va o'z faoliyatida samaradorlikni oshirish uchun JITni qo'llaydi. Restoran mijozlar buyurtmalarini ortiqcha kutish vaqtlari yoki oziq-ovqat chiqindilarisiz bajarish uchun kerakli vaqtda kerakli

miqdordagi ingredientlarga ega bo'lishni maqsad qilgan.

Restoran har bir menyu elementi uchun o'rtacha kunlik talabni aniqlash uchun tarixiy savdo ma'lumotlarini tahlil qiladi. Ushbu ma'lumotlarga asoslanib, u mijozlar talabiga mos keladigan kundalik ishlab chiqarish rejasini tuzadi.

O'zida katta miqdordagi ingredientlarni saqlash o'rniga, restoran har kuni yoki kuniga bir necha marta yangi ingredientlarni etkazib beruvchilar bilan yaqin munosabatlarni saqlab turadi. Misol uchun, agar restoran tushlik paytida yuqori burger sotuvini kutsa, u tig'iz paytgacha qadar yangi burger bulochkalari va kerakli ingredientlarni yetkazib beradi.

Materiallarga bo'lgan talablarni rejalashtirish (MRP) ning bir misolini avtomobillar ishlab chiqaradigan ishlab chiqarish kompaniyasida ko'rish mumkin. MRP tizimi kompaniyaga ishlab chiqarish uchun zarur bo'lgan materiallarni boshqarish va rejalashtirishga yordam beradi.

Aytaylik, kompaniya 100 ta mashinani ma'lum muddatda ishlab chiqarishga buyurtma oldi. MRP tizimi ishlab chiqarish uchun zarur bo'lgan barcha butlovchi qismlar va xom ashyolarni o'z ichiga olgan har bir avtomobil uchun materiallar ro'yxatini (BOM) tahlil qiladi.

BOMga asoslanib, MRP tizimi 100 ta avtomobil ishlab chiqarish uchun zarur bo'lgan barcha komponent va xom ashyo miqdorini hisoblab chiqadi. Har bir mahsulotga qachon va qancha miqdorda buyurtma berish yoki ishlab chiqarish kerakligini aniqlash uchun etkazib berish vaqtleri, inventar darajalari va ishlab chiqarish jadvallari kabi omillarni hisobga oladi.

Misol uchun, agar bitta avtomobil uchun 4 ta shina kerak bo'lsa va to'ldirish muddati 2 hafta bo'lgan inventarda atigi 300 ta shina bo'lsa, MRP tizimi qo'shimcha ishlab chiqarish talabi 100 ta shina uchun xarid buyurtmasini ishlab chiqadi.

MRP tizimi har qanday mavjud inventar darajalarini ham hisobga oladi. Agar zaxirada allaqachon 50 ta dvigatel mavjud bo'lsa, lekin buyurtma uchun faqat 100 ta kerak bo'lsa, u ko'proq dvigatellar uchun xarid buyurtmasini yaratmaydi.

2-misol: Avtomobil ishlab chiqaradigan ishlab chiqaruvchi kompaniya o'zining inventarizatsiyasi va ishlab chiqarish jarayonlarini boshqarish uchun MRP dan foydalanadi. Kompaniya oyiga 100 ta avtomobilga prognozli talabga ega. Ushbu talabdan kelib chiqqan holda, MRP tizimi ushbu avtomobillarni ishlab

chiqarish uchun moddiy talablarni hisoblab chiqadi. U har bir komponent uchun yetkazib berish muddatini, joriy inventar darajalarini va ishlab chiqarish quvvatini hisobga oladi.

MRP tizimi har bir avtomobilga 4 ta shina, 1 dvigatel va 1 shassi kerakligini aniqlaydi. Shinalar uchun yetkazib berish muddati –1 hafta, dvigatellar uchun –2 hafta, shassi uchun –3 hafta. Hozirda kompaniyaning inventarida 400 ta shina, 100 ta dvigatel va 50 ta shassi mavjud.

Yetkazib berish muddatlari va joriy inventar darajalariga asoslanib, MRP tizimi bir hafta ichida yetkazib beriladigan 300 dona shinalar, ikki hafta ichida yetkazib beriladigan 200 ta dvigatel va uch hafta ichida yetkazib beriladigan 50 ta shassi uchun xarid buyurtmasini ishlab chiqadi.

Optimallashtirilgan ishlab chiqarish texnologiyasi (OPT) misollaridan biri ishlab chiqarish kompaniyasida Kanban tizimini joriy etishdir. Kanban – bu inventarizatsiya darajasini va ishlab chiqarish oqimini optimallashtirishga yordam beradigan vizual ishlab chiqarishni boshqarish tizimi.

Said va boshqalar tomonidan o'tkazilgan tadqiqot(2015) to'qimachilik ishlab chiqaruvchi kompaniyada OPT tamoyillaridan foydalangan holda Kanban tizimini joriy etishning ta'sirini o'rganib chiqdi. Tadqiqotchilar Kanban tizimini joriy etishdan oldin va keyin yetkazib berish muddati, o'z vaqtida yetkazib berish va inventar aylanmasi kabi asosiy ishlash ko'rsatkichlari (KPI) bo'yicha ma'lumotlarni to'plashdi.

Natijalar OPTga asoslangan Kanban tizimini joriy qilgandan so'ng barcha KPIlarda sezilarli yaxshilanishlarni ko'rsatdi. Yetkazib berish muddati 50 foizga qisqardi, o'z vaqtida yetkazib berish 40 foizga oshdi, inventar aylanmasi 60 foizga yaxshilandi. Ushbu yaxshilanishlar ishlab chiqarish oqimini yaxshiroq ko'rish va nazorat qilish, chiqindilarni kamaytirish va turli bo'limlar o'rtasidagi muvofiqlashtirishni yaxshilash bilan bog'liq.

Yana bir misol Xue va boshqalar tomonidan olib borilgan tadqiqotdan olingan(2017) avtomobil ishlab chiqaruvchi kompaniyada. Tadqiqotchilar ishlab chiqarishni rejalashtirishni optimallashtirish va jihozlarning umumiy samaradorligini (OEE) yaxshilash uchun OPT tamoyillarini amalga oshirdilar. Ular OPTga asoslangan rejalashtirish tizimini joriy qilishdan oldin va keyin mavjudlik, ishlash va sifat kabi OEE ko'rsatkichlari bo'yicha ma'lumotlarni to'plashdi.

Natijalar shuni ko'rsatdiki, OPTga asoslangan rejalashtirishni amalga oshirish OEE ko'rsatkichlarida

sezilarli yaxshilanishlarga olib keldi. Mavjudlik 80% dan 90% gacha oshdi, unumdorlik 85% dan 95% gacha yaxshilandi va sifat 90% dan 98% gacha yaxshilandi. Ushbu yaxshilanishlar resurslardan yaxshiroq foydalanish, bekor turish vaqtini qisqartirish, ishlab chiqarishning turli bosqichlari o'rtasidagi muvofiqlashtirishni yaxshilash va optimallashtirilgan texnik xizmat ko'rsatish jadvallari bilan bog'liq.

Flexible Manufacturing Systems(FMS) misoli bilan bog'liq statistika quyidagilarni o'z ichiga olishi mumkin:

1. Ishlab chiqarish tezligi: FMS soatiga yoki kuniga ma'lum miqdordagi avtomobillarni ishlab chiqarishi mumkin. Masalan, u soatiga 100 ta mashina ishlab chiqarishga qodir.

2. Samaradorlik: FMS samaradorligi haqiqiy ishlab chiqarishning maksimal erishish mumkin bo'lgan mahsulotga nisbati bilan o'lchanadi. Misol uchun, agar FMS soatiga maksimal 100 ta mashinadan soatiga 90 ta mashina ishlab chiqarsa, uning samaradorligi 90% ni tashkil qiladi.

3. To'xtalish vaqti: Bu statistika FMS texnik xizmat ko'rsatish yoki buzilishlar tufayli ishlamayotgan vaqtni aks ettiradi. Misol uchun, agar FMS kuniga o'rtacha 1 soat ishlamay qolsa, uning ishlamay qolish foizi 4% (1/24) bo'ladi.

4. O'zgartirish vaqti: Bu FMS bir turdagi avtomobillarni ishlab chiqarishdan boshqasiga o'tish uchun zarur bo'lgan vaqtni bildiradi. Kamroq o'zgartirish vaqti turli xil mahsulot variantlarini boshqarishda yuqori moslashuvchanlikni ko'rsatadi.

5. Chiqib ketish darajasi: DQA\ FMS tomonidan ishlab chiqarilgan nuqsonli yoki rad etilgan mahsulotlarning foizini ifodalaydi. Misol uchun, agar ishlab chiqarilgan har 100 ta avtomobildan 2 tasi nuqsonli yoki sotilmaydigan deb topilsa, chiqib ketish stavkasi 2% ni tashkil qiladi.

Ushbu statistik ma'lumotlar moslashuvchanlik va sifat standartlarini saqlab, ishlab chiqarish maqsadlariga erishishda FMSning ishlashi va samaradorligining turli jihatlarini o'lchash va baholashga yordam beradi.

Xulosa qilib aytganda, modellar haqida ko'plab ma'lumotlar keltirdik. Qisqacha aytganda OPT (Optimallashtirilgan ishlab chiqarish texnologiyasi), JIT (Just-in-Time), MRP (Material talablarni rejalashtirish) va FMS (Moslashuvchan ishlab chiqarish tizimi) samaradorlikni oshirish, chiqindilarni kamaytirish va ishlab chiqarishni yaxshilashga qaratilgan muhim ishlab chiqarish strategiyalari ekanligini ko'rib chiqdik.

O'zbekistonda ham yuqoridagi modellarning ba'zi elementlari kuzatiladi, lekin bir butun holatda uchramaydi. Yurtimizda ushbu modellarni qo'llash juda muhim. Bu kelajakda korxonalarimiz faoliyatini optimallashtirishda juda qo'l keladi. O'zbekistonda bugungi kunda 600 mingga yaqin turli darajadagi korxonalar va firmalar mavjud. **Ularning faoliyati takomillashuvi quyidagi ijobiy natijalarga olib keladi:**

- Ishlab chiqarish samaradorligi oshadi;
- Hodimlar bilan ishlash va hodimlarning o'zaro munosabatlari va ular orasida vazifalarning taqsimlanishi optimallasadi;

- Korxonalar va tashkilotlarning jahon darajasiga chiqishi tezlashadi. Chunki unumdor mehnat faoliyati albatta o'z natijalarini beradi;

- Resurslar isrofi juda kamayadi. Yuqoridagi 1-rasm(2050 yilgacha Netto nol Global energetika sektori uchun yo'l xaritasi)ni ishlab chiqishda ham dunyo bo'ylab samarali boshqaruv modellaridan foydalanish, ularni amaliyotda qo'llash hisobga olingan. Chunki bu modellar isrofgarchilik va samarasiz mehnat faoliyatini inkor qiladi;

- Aholining bilimi va saviyasiga ham boshqaruv modellarini qo'llash ijobiy ta'sir etadi. Chunki ishga kirishda ishchi-hodimlarga aniq vazifa yuklatiladi va bilim darajalari aniq tekshiriladi. Jamiyat ham yosh avlodni shunga qarab tarbiyalay boshlashadi. Rivojlangan davlatlarda Korrupsiya foizlari kamligi ham bejizga emas. Ularda hammaning vazifasi aniq va har bir bajarilgan ish aniq baholanadi va bularning asosida zamonaviy boshqaruv tizimi yotadi.

Modellarga xulosa o'rnida to'xtaladigan bo'lsak: OPT o'tkazish qobiliyatini maksimal darajada oshirish va cheklovlarni minimallashtirish orqali ishlab chiqarishni optimallashtirishga qaratiladi. U resurslarni taqsimlash va ishlab chiqarishni rejalashtirishning eng samarali usulini aniqlash uchun matematik modellardan foydalanadi. Bu modelni qo'llash yuqoridagi samaradorliklarni keltirib chiqaradi. Muammolarni oldinroq aniqlab, vaqtida hal qilishni ta'minlaydi.

JIT - tejamkor ishlab chiqarish yondashuvi bo'lib, tovarlarni faqat kerak bo'lganda ishlab chiqarish, inventar darajasini pasaytirish va mijozlar talabiga javob berish qobiliyatini oshirishga urg'u beradi. Materiallarni o'z vaqtida etkazib berishni ta'minlash uchun etkazib beruvchilar bilan yaqin hamkorlikni talab qiladi.

JIT tamoyillarini tatbiq etish orqali restoran

faqat mijozlar buyurtmalari asosida kerakli narsalarni tayyorlash orqali oziq-ovqat chiqindilarini minimallashtiradi. Bu saqlash joyiga bo'lgan talablarni kamaytiradi va eskirgan yoki muddati o'tgan oziq-ovqat mahsulotlarini taqdim etish xavfini yo'q qiladi. Bundan tashqari, JIT mijozlarning buyurtmalarini zudlik bilan qabul qilishini ta'minlaydi, bu esa mijozlarning qoniqishini oshiradi.

Bugungi kunda 2000 dan 5000 gacha AQSH kompaniyalari (ko'pchilik yillik sotuvlari 20 million dollardan ortiq) MRP dan foydalanmoqda. Xaotik inventarizatsiya holatlari tarixiga ega bo'lgan korxonalar ushbu yondashuv bilan eng yaxshi ish qilganga o'xshaydi. Murakkab axborot tizimi sifatida MRP rahbariyat e'tiborini to'g'ri hisob yuritishga qaratadi, bu esa tovar-

moddiy zaxiralarni qisqartirishga va mijozlarga xizmat ko'rsatishni yaxshilashga olib keladi.

FMS yuqori darajada avtomatlashtirilgan va moslashuvchan ishlab chiqarish muhitini yaratish uchun turli xil mashinalar, robotlar va kompyuter tizimlarini ishlab chiqarish ob'ektida birlashtirishni o'z ichiga oladi. Bu mahsulotni tez almashtirish, ishlab chiqarish vaqtini qisqartirish va mahsuldorlikni oshirish imkonini beradi.

Umuman olganda, har bir modelning o'ziga xos afzalliklari bor va ular turli ishlab chiqarishda qo'llanilishi mumkin hamda qo'llanilmoqda. Qaysi modelni amalga oshirishni tanlash ishlab chiqarish talablari, mijozlar talablari, resurslarning mavjudligi va texnologik imkoniyatlar kabi omillarga bog'liq.

Manba va adabiyotlar

1. Yax'yayev Otabek Yusupovich, "“Just in time” xalqaro menejment modeli, o'rganilishi, amaliyoti, rivojlangan davlatlar tajribasi" Raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalari jurnali, Toshkent, 320 bet 19.10.2023.
2. "The Benefits of Implementing a Just-in-Time Inventory System." *The Balance Small Business*, www.thebalancesmb.com/just-in-time-inventory-system-2948082
3. Rızvan Erola Gülsün Nakıbođlu "A Mathematical Modeling Approach for Materials Requirements Planning in Remanufacturing" *Business and Economics Research Journal Volume 8 Number 1 2017*
4. Jacobs, F. Robert, and William Lee Berry. "Material Requirements Planning (MRP)." *Operations and Supply Chain Management*, McGraw-Hill Education, 2020.
5. Goldratt, Eliyahu M., and Jeff Cox. "The Goal: A Process of Ongoing Improvement." North River Press, 2014.
6. Paul Ranky, *The Design and Operation of Flexible Manufacturing Systems* (New York: Elsevier, 1983).
7. Groover, Mikell P. "Automation, Production Systems, and Computer-Integrated Manufacturing." Pearson Education Limited, 2018.

УЎК: 338.4.330.341.(575.1)

Dostonbek ESHPULATOV,
Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti,
E-mail: doston95@bk.ru

Hududlarda sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirish masalalari: Sirdaryo viloyati Boyovut tumani misolida

Annotatsiya: maqolada Sirdaryo viloyati Boyovut tumanida sanoat ishlab chiqarish joriy holati tahlili keltirilgan. Hududda sanoat ishlab chiqarishining o'ziga xos xususiyatlari o'rganilgan. Tadqiqot davomida Statistik ma'lumotlarni tahlil qilish, ekonometrik modellashtirish usullaridan foydalanilib, hududda sanoat ishlab chiqarish potentsiali va resurs xomashyo bazasi haqida muhim natijalar olingan. Shuningdek, sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirishning istiqbolli yo'nalishlari taklif etilgan.

Kalit so'zlar: sanoat ishlab chiqarishi, innovatsion salohiyat, resurs-homashyo bazasi, investitsiyalar.

Вопросы развития промышленного производства в регионах: на примере Баяутского района Сырдарьинской области

Достонбек Эшпулатов,
базовый докторант Гулистанского
государственного университета

Аннотация: в данной статье проведен анализ современного состояния промышленного производства в Баяутском районе Сырдарьинской области. Исследованы особенности промышленного производства на данной территории. С использованием методов эконометрического моделирования и анализа статистических данных получены значимые результаты о потенциале промышленного производства и ресурсной базе региона. Кроме того, предлагаются перспективные направления развития промышленного производства.

Ключевые слова: промышленное производство, инновационный потенциал, ресурсная база, инвестиции.

**Issues of industrial production development
in regions: Example of Boyovut District of the
Sirdarya region**

Dostonbek Eshpulatov,
doctoral student of Gulistan State University

Abstracts: this article examines the present condition of industrial production in the Boyovut district of the Syrdarya region. The particularities of industrial production within the area are investigated. Through the analysis of statistical data and the use of econometric modeling techniques, significant outcomes regarding the potential of industrial production and the region's resource base are obtained. Furthermore, promising avenues for the development of industrial production are proposed.

Keywords: industrial production, innovative potential, resource base, investments.

Kirish. So'ngi yillarda mamlakatimizda hududlarni barqaror va muvozanatli rivojlantirish, bunda sanoat ishlab chiqarishini ichki va tashqi imkoniyatlardan keng foydalangan holda jadal oshirib borish masalalari dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 12-oktyabrdagi "Sanoat va uning bazaviy tarmoqlarini jadal rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-169-son Farmonida mamlakatda yuqori texnologiyalarga asoslangan sanoat yo'nalishlarini jadal rivojlantirish, sanoat tarmoqlariga xususiy investitsiyalarni keng jalb etish orqali raqobatbardosh tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish, hududlarda yangi ishlab chiqarish quvvatlarini tashkil etish hisobidan aholi

daromadlarini oshirish hamda yirik tarmoqlarga ilg'or xalqaro standartlarga asoslangan boshqaruv tizimini joriy etish vazifalari berilgan [1].

Sanoat O'zbekiston iqtisodiyotining asosiy tarmoqlaridan biri bo'lib, aholi ehtiyojlarini qondirish va butun mamlakat taraqqiyotini ta'minlash uchun zarur bo'lgan tovar va xizmatlar ishlab chiqarishni ta'minlaydi. O'zbekiston hududlarida sanoatni rivojlantirish qator muhim afzalliklarga ega, jumladan, ish o'rinlarini yaratish va aholi turmush darajasini oshirish. Sanoat asosiy ish beruvchi bo'lib, uning rivojlanishi ish haqini oshirish va mehnat sharoitlarini yaxshilashga yordam beradi. Hududning iqtisodiy rivojlanish darajasini oshirishda sanoat soliq tushumlari manbai bo'lib, ijtimoiy dasturlar va infratuzilmani rivojlantirishni moliyalashtirish uchun ishlatiladi. Hududning importga qaramligini kamaytirishda sanoatning rivojlanishi avval import qilingan tovar va xizmatlar ishlab chiqarishga yordam beradi, bu esa hududning tashqi omillarga qaramligini kamaytiradi. Hozirgi vaqtda O'zbekiston hududlarida sanoatni rivojlantirish dolzarb vazifa hisoblanib bir qator omillarga bog'liq, jumladan, O'zbekistonda hududlarning notekis rivojlanishi hamda hududlarda sanoatning rivojlanish darajasi boshqalarga qaraganda ancha pastligidir.

Raqobat.

Jahon bozorlarida raqobatning kuchayishi O'zbekiston sanoatining raqobat-bardoshligini oshirishni talab qiladi. O'zbekiston hududlarida sanoat rivojlanishini o'rganish uning rivojlanishiga to'sqinlik qilayotgan omillarni aniqlash va ularni bartaraf etish choralarini ishlab chiqish imkonini beradi. Bu O'zbekiston hududlari iqtisodiy rivojlanish darajasini oshirish va aholi turmushini yaxshilashga xizmat qiladi. O'zbekistonda o'zining tabiiy resurslari, mehnat va infratuzilma sharoitlari bilan bir-biridan farq qiluvchi turli xil hududlar mavjud. Turli hududlarda sanoat rivojlanishining xususiyatlarini o'rganish ushbu hududlarda sanoat rivojlanishiga yordam beradigan yoki to'sqinlik qiluvchi omillarni aniqlashga imkon beradi. Tadqiqot ishining maqsadi sanoat ishlab chiqarishining rivojlanganlik holatini tahlil qilish va uni istiqbolda yanada rivojlantirish uchun asosiy yo'nalishlarni aniqlashdan iborat. Shundan kelib chiqib, hududlarda sanoatni rivojlantirish bo'yicha asosiy tendensiyalarni o'rganish hamda sanoatni rivojlantirish darajasini baholash, sanoat rivojlanishiga ta'sir etuvchi

omillarni o'rganish, hududlarda sanoatni rivojlantirish samaradorligini oshirish bo'yicha takliflar ishlab chiqish kabi vazifalarni o'z oldimizga qo'ydik. Tadqiqotimiz obyekti bo'lib Sirdaryo viloyatining yirik tumanlaridan biri bo'lgan Boyovut tumani xizmat qiladi. Tadqiqot predmeti hududning sanoat ishlab chiqarish tarmog'idir.

Tadqiqot maqsadlariga erishish uchun quyidagi usullardan foydalanilgan:

Statistik ma'lumotlarni tahlil qilish, hududlarda sanoatning holati va rivojlanish istiqbollari baholash uchun statistik ma'lumotlarni, jumladan, ishlab chiqarish hajmi, ishchilar soni, investitsiyalar va boshqalar to'g'risidagi ma'lumotlarni tahlil qilish.

Ekonometrik tahlil.

Hududlarda sanoat rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillarni aniqlashda ekonometrik tahlildan foydalanish.

Tuman bo'yicha barcha birlamchi statistik ma'lumotlar O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligining hududiy boshqarmalari hamda Iqtisodiyot va Moliya vazirligining rasmiy manbalari asosida shakllantirildi. Tadqiqot natijalari ushbu tumanda sanoatni rivojlantirish bo'yicha investitsion loyihalar va dasturlar ishlab chiqishda mahalliy hokimiyat organlari hamda Iqtisodiyot va Moliya vazirligi shuningdek, soha yuzasidan olib boriladigan keyingi tadqiqotlar uchun amaliy va nazariy ahamiyatga ega.


Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Hududlarda sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirish masalalari bir qator milliy va xorijiy olimlar tomonidan o'rganilgan. Ulardan Wu Qinghong hududlarining bir biridan va markazdan uzoqda joylashganligi, infratuzilma ta'minotining yuqori darajada emasligi, ishlab chiqarishni texnik qayta jihozlash va modernizatsiyalash jarayonining sustligi va asosiy fondlarning eskirishi kabi bir qator salbiy omillar joylarda mavjud bo'lgan boy tabiiy resurs va ishlab chiqarish salohiyatidan samarali foydalanishga to'sqinlik qilayotganini ta'kidlagan [2].

B.B. Muhammadjonov hozirgi sharoitlarda hududlarda sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirishda kichik sanoat zonalarining ulkan hissasini ta'kidlab, bunday zonalarining mavjudligi hududlarni rivojlantirishda katta imkoniyatlar yaratishini aytib o'tgan [3]. Huddi shu o'rinda S.A. Sheraliyeva esa erkin iqtisodiy zonalarda xorijiy investitsiyalarni jalb etish muhimligi haqida fikr yuritadi [4]. Ulug'bek Shukurov hududlarning sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish faoliyatini o'sish va hajm subindekslari bo'yicha aniqlovchi faollik indeksi

vositasida baholagan. Hamda Sirdaryo viloyatini sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarishda yuqori salohiyatli hududlarga aylantirish imkoniyatlarini asoslagan [5]. Madina Rahimova urbanizatsiya shahar aholisining ehtiyojlarini qondiradigan yangi sanoat va xizmatlarni yaratish orqali tarkibiy o'zgarishlarga olib kelishi mumkinligini, tarkibiy o'zgarishlar yangi iqtisodiy imkoniyatlarni yaratish orqali urbanizatsiyaga turtki berishi mumkin bo'lsada, urbanizatsiya yangi sanoat va xizmatlarni yaratish orqali ham tarkibiy o'zgarishlarga olib kelishi mumkinligini tadqiq etgan [6]. Husan Bakirov va Ulug'bek Qulliyevlar Global raqobatbardoshlik indeksi bo'yicha eng yuqori o'sish sur'atlariga erishgan mamlakatlar tajribasidan kelib chiqqan holda, sanoatni rivojlantirishda AKT sohasini faol rivojlantirishga qaratilgan siyosatni amalga oshirish muhimligi, bu sohani rivojlantirish jadal iqtisodiy o'sishni ta'minlashdagi o'rnini ta'kidlab o'tishgan [7].

Tahlil va natijalar.


Statistika agentligining 2022-yil yanvar – dekabr oylarining dastlabki ma'lumotlariga ko'ra Boyovut tumanining viloyat sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishidagi ulushi 4,5 % ni tashkil etgan. Dinamikada tumanda sanoat ishlab chiqarishi ulushi 2017–2020 yillarda pasayishi kuzatilgan. Faqat 2021-yilga kelib ko'rsatkich o'sishni boshlagan. Eng yuqori ko'rsatkichlar Shirin shahri va Sirdaryo tumanlarida mos ravishda 39,7 % va 21,6 % ni tashkil etgan (1-rasm).



1-rasm. 2010 – 2022 yillarda Sirdaryo viloyati sanoat ishlab chiqarishida Boyovut tumani ulushi dinamikasi, % da

Manba: Statistika agentligi ma'lumotlari.


Sanoat ishlab chiqarishi absolyut qiymatda 2010 – 2022-yillarda Boyovut tumanida 503,4 mlrd. so'mga yoki 11,7 barobarga ortgan. Bu ko'rsatkich Shirin shahri va Sirdaryo tumanlarida mos ravishda 4 445,4 va 2 498,4 mlrd.so'mga yoki 12 va 20 barobarga ortgan (2-rasm).



2-rasm. Hududlarda sanoat mahsulot hajmi, mlrd. so'm [8]

Manba: Statistika agentligi ma'lumotlari.

Alohida hududlarda sanoat ishlab chiqarishining mavsumiylik koeffitsiyentini tahlil qilish bizga mart, iyun, sentyabr va dekabr oylarida ishlab chiqarish o'sishining tezlashganini ko'rishimizga imkon beradi (3-rasm). Bu esa o'z navbatida sanoatning mavsumiylik xususiyati unga xos bo'lgan qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi bilan bog'liqlik darajasini ko'rsatadi. Bu holatni boshqa sanoat ishlab chiqarishi rivojlangan hududlarda ham ko'rish mumkin.



3-rasm. 2022-yilda hududlarda sanoat ishlab chiqarishining mavsumiylik koeffitsiyentini tahlili

Manba: Iqtisodiyot va Moliya vazirligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Hududda sanoat mahsuloti ishlab chiqarishning fizik hajmi 2017–2018 va 2020-yillarda pasaygan. Ko'rsatkich 2021 – 2022-yillarda ijobiy tomonga o'zgarib, o'rtacha 10 % o'sishni ko'rsatgan (1-jadval). Xuddi shu kabi iste'mol tovarlari ishlab chiqarish ham faqat so'ngi ikki yilda ijobiy tomonga o'zgargan. Shunday qilib, tumanda ishlab chiqarish sanoati qiyosiy ustunlikka ega bo'lib qolmoqda.

Shuni ham ta'kidlash lozimki, tuman tabiiy resurs salohiyatining nisbatan cheklanganligini inobatga olib, chiqindilarni qayta ishlash kuchlarini hududda joylashtirish maqsadga muvofiq bo'lishi mumkin. Bu ekologik va resurs tejamkorlik nuqtai nazaridan

ham to‘g‘ri bo‘ladi. Chiqindilar ekologiya uchun zararli bo‘lishi barobarida arzon xom ashyo hamdir. Ya‘ni, chiqindilarning 80 foizini organik moddalar tashkil qiladi. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi chiqindilarning 85 foizini qayta ishlash mumkin ekanligini ko‘rsatmoqda. Masalan, Yaponiyada rezina va kabel mahsulotlarining 34 foizi, shisha buyumlarning 43 foizi, qog‘oz va kartonning 54 foizi chiqindilarni qayta ishlash natijasida olinar ekan.

Xitoyliklar esa alyuminiy, temir, mis kabi metallardan yasalgan buyumlarning 33 foizini, jun, ipak, charm-attorlik buyumlarining 34 foizini turli chiqindilarni qayta ishlash hisobiga oladi. Ayrim davlatlarda chiqindilarni alohida yig‘ish tizimi ham yo‘lga qo‘yilgan. Natijada qog‘oz, plastik, alyuminiy kabi xom ashyoning katta

qismi qayta ishlashga yuboriladi. Bu jarayonning ekomuhitga ijobiy ta‘siri katta bo‘lib, energiya va xom ashyoni sezilarli darajada tejaydi. O‘zbekistonda maishiy chiqindilarni to‘plash, joylashtirish, tashish, zararsizlantirish, saqlash, qayta ishlash, utilizatsiya va realizatsiya qilishning samarali tizimini tashkil etish yuzasidan qonun va qonunosti hujjatlari qabul qilingan. Xususan, O‘zbekiston Respublikasining “Chiqindilar to‘g‘risida”gi qonunida chiqindi bilan bog‘liq ishlarni amalga oshirish munosabatlari tartibga solinadi. Shuningdek, qonunda chiqindilarning fuqarolar hayoti va sog‘lig‘iga, atrof-muhitga zararli ta‘sirining oldini olish, chiqindilar hosil bo‘lishini kamaytirish va ulardan xo‘jalik faoliyatida oqilona foydalanilishini ta‘minlash to‘g‘risida gapirib o‘tilgan [8].

1-jadval.

Boyovut tumanida sanoat ishlab chiqarishi fizik hajmi o‘shish dinamikasi, % da

Sanoat ishlab chiqarishi	Yillar					
	2017 yil	2018 yil	2019 yil	2020 yil	2021 yil	2022 yil
Sanoat mahsuloti	80,6	63,5	107,2	95,0	110,7	110,6
Iste‘mol tovarlari	77,5	47,1	87,6	89,9	127,4	113,0
Iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha sanoat mahsuloti turlarini ishlab chiqarish (yirik korxonalar bo‘yicha), t						
Tog‘-kon sanoati va ochiq konlarni ishlatish	-	-	-	-	2,7	1,5
Ishlab chiqaradigan sanoat	-	-	-	-	267,0	379,7
Elektr, gaz, bug‘ bilan ta‘minlash va havoni konditsiyalash	-	-	-	-	0,0	0,0
Suv bilan ta‘minlash, kanalizatsiya tizimi, chiqindilarni yig‘ish va utilizatsiya qilish	-	-	-	-	0,0	0,0

Manba: Iqtisodiyot va Moliya vazirligi ma‘lumotlari asosida tuzilgan.

Boyovut tumanida ishlab chiqarish sanoati yetakchi sanoat mahsulotlari turi bo‘lib qolmoqda. Xususan, 2022 yilning dastlabki ma‘lumotlariga ko‘ra Sirdaryo viloyatida ishlab chiqarish sanoat tarkibida Boyovut tumani ulushi 7,8 % ni tashkil etgan. Tumanda ishlab chiqarish sanoati asosiy turlardagi mahsulotlar ulushi quyida jadvalda keltirilgan (2-jadval).

Jadval ma‘lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, tumanda to‘qimachilik, oziq-ovqat, kiyim, nometall mineral mahsulotlar, mashina va uskunalardna tashqari tayyor metall buyumlar, mebel ishlab chiqarish kabi yetakchi yo‘nalishlar hamda tayyor buyumlar, teri va unga tegishli mahsulotlar ishlab chiqarish ham nisbatan yaxshi rivojlangan.

Shuningdek, Boyovut tumani to‘qimachilik mahsulotlari va kiyim ishlab chiqarishda viloyatning yetakchi hududi hisoblanadi. To‘qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqarish ulushi 4,8 % bo‘lib,

viloyatda faqat Sirdaryo tumanidan (10,3%) ortda qolmoqda. Kiyim ishlab chiqarishda esa 0,8 % ulush bilan faqat Guliston shahridan keyin turmoqda. Ushbu yo‘nalishlar viloyat yalpi hududiy mahsulotini o‘shishiga salmoqli hissa qo‘shgan.

Boyovut tumani to‘qimachilik mahsulotlari va kiyim ishlab chiqarishda viloyatning yetakchi hududi hisoblanadi. To‘qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqarish ulushi 4,8 % bo‘lib, viloyatda faqat Sirdaryo tumanidan (10,3%) ortda qolmoqda.

2-jadval.

Ishlab chiqarish sanoati asosiy turdagi mahsulotlari ulushi, % da


Ishlab chiqaradigan sanoat	7,83
To'qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarish	4,84
Oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish	2,00
Kiyim ishlab chiqarish	0,80
Boshqa nometall mineral mahsulotlar ishlab chiqarish	0,06
Mashina va uskunalardan tashqari tayyor metall buyumlar ishlab chiqarish	0,05
Mebel ishlab chiqarish	0,03
Boshqa tayyor buyumlar ishlab chiqarish	0,02
Teri va unga tegishli mahsulotlar ishlab chiqarish	0,01
Ichimliklar ishlab chiqarish	0,003
Yog'och va po'kak buyumlar (mebeldan tashqari), pohlol va to'qish uchun materiallardan buyumlar ishlab chiqarish	0,002
Yozilgan materiallarni nashr qilish va aks ettirish	0,001
Mashina va uskunalarni ta'mirlash va o'rnatish	0,0003
Kimyo mahsulotlari ishlab chiqarish	0,000006

Manba: Statistika agentligi ma'lumotlari.

Shunday qilib, tumanda sanoat ishlab chiqarishini asosiy qismini ishlab chiqaradigan sanoat tarmog'i tashkil etmoqda. Sanoat ishlab chiqarishi o'sish sur'ati viloyatda o'rtacha bo'lib, kiyim va to'qimachilik mahsulotlarini ishlab chiqarishda ilgari bormoqda. Boshqa hududlardagi kabi tumanda sanoat ishlab chiqarishi mavsumiylik xususiyatiga ega. Bu soha asosan qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlashga qaratilganiga bog'liq va yuqori ilm sig'imli sanoat sohasini rivojlanmaganligini bildiradi.

Boyovut tumanida sanoatni asosiy hom ashyo bilan ta'minlovchi soha qishloq xo'jaligini iqtisodiy holatini tahlil qiladigan bo'lsak, so'ngi yillarda agrar mahsulotlar ishlab chiqarish fizik hajmi muntazam o'sib borayotganini ko'rishimiz mumkin (4-rasm). Bu bizga tumanda barqaror o'sib borayotgan sanoat yo'nalishlarini yanada rivojlantirish imkoniyatini yaratadi. Mavjud ishlab chiqarish kuchlarini kengaytirish, modernizatsiyalash va samarali raqamli texnologiyalarni ishlab chiqarishda va menejmentda qo'llash orqali sanoat ishlab chiqarish hajmini oshirish ustuvor vazifalardan hisoblanadi. Shuningdek, ishlab chiqarish yuqori qo'shilgan qiymat zanjirlarini yaratishga qaratilishi lozim.

Shu bilan birga, Boyovut tumanining sanoat sohasini qishloq xo'jaligi mahsulotlari bilan ta'minlay olishdagi ulkan salohiyatini alohida ta'kidlab o'tish lozim. Yangi sanoat ishlab chiqarish kuchlarini tashkil etishda va



4-rasm. Boyovut tumanida qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi mahsulotlari fizik hajmi o'sishi dinamikasi, % da

Manba: Iqtisodiyot va Moliya vazirligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

eskilarini modernizatsiyalashda tumanda hom ashyo bazasini ham inobatga olish maqsadga muvofiqdir (3-jadval).




3-jadval.

Boyovut tumanida qishloq xo'jaligi mahsulotlari yillik fizik hajmi o'sish dinamikasi, % da

Mahsulotlar turi	2017 y	2018 y	2019 y	2020 y	2021 y	2022 y
Yirik shoxli qoramol	98,6	108,7	103,3	106,6	106,6	101,8
ulardan sigirlar	99,7	116,4	100,1	105,6	105,6	102,5
Qo'y va echkilar	103,3	106,6	100,0	102,7	102,7	104,0
Otlar	99,0	92,7	96,1	109,5	109,5	107,4
Parrandalar	78,7	115,0	101,3	99,4	99,4	103,9
Go'sht (tirik vaznda), t	103,9	84,9	101,0	110,2	110,2	90,2
Sut, t	97,3	116,8	101,1	102,9	102,9	95,8
Tuxum, ming. dona	100,8	127,1	107,2	97,8	97,8	99,2
Boshoqli don	52,6	146,5	143,9	103,2	103,2	84,6
shu jumladan: bug'doy	53,8	146,5	143,9	103,2	103,2	84,4
Kartoshka	103,8	20,5	323,3	126,5	126,5	130,4
Sabzavot	100,5	42,4	413,8	195,4	195,4	121,0
Poliz	12,8	154,9	29,5	771,0	771,0	108,6
Meva va rezavorlar	116,4	34,1	150,8	111,7	111,7	100,2
Uzum	53,3	0,0	0,0	0,0	0,0	847,1
Go'sht, tirik vaznda	49,3	125,6	95,7	572,9	572,9	116,1
Sut	13,0	454,9	77,8	239,6	239,6	105,5
Tuxum, ming. dona	7,5	729,8	37,7	1 176,7	1 176,7	132,1
Jun, tonna	51,9	70,4	100,0	240,0	240,0	105,0
Pilla, tonna	45,9	130,6	151,4	105,9	105,9	109,1

Manba: Iqtisodiyot va Moliya vazirligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Shu o'rinda, hududda poliz va meva-sabzavotlarni qayta ishlash kuchlarini joylashtirish uchun yetarli hom ashyo bazasi mavjudligini ta'kidlab o'tish lozim. FAO (Birlashgan Millatlar Tashkilotining Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti) prognozlariga ko'ra 2050-yilga kelib oziq-ovqat mahsulotlariga talab 2 barobar oshishi kutilmoqda [9]. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 23.10.2019 yildagi PF-5853-son "O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni imzolanishi qishloq xo'jaligining istiqbolda rivojlanishini belgilab beradi [10]. Shu bilan birga tuman yetarlicha mehnat resurslari bilan ham ta'minlanganini keltirib o'tishimiz zarurdir. So'ngi yillarda aholining mexanik o'sishi salbiy bo'lsada, tabiiy o'sish sur'atlari yuqoriligicha qolmoqda (5-rasm).



5-rasm. Boyovut tumanida aholi soni o'sish dinamikasi, kishi

Manba: Statistika agentligi ma'lumotlari.

Hududda aholining sanoat ishlab chiqarishiga jalb qilinishini sohada nisbatan past saqlanib qolayotgan ish haqi miqdori cheklamoqda (4-jadval).

4-jadval.

Boyovut tumanida o'rtacha nominal hisoblangan ish haqi, ming so'm

Yillar	2017 y	2018 y	2019 y	2020 y	2021
Tuman bo'yicha - jami	973,9	1 297,9	1 817,2	2 223,7	2 238,3
Sanoat	799,9	887,2	1 659,9	2 159,3	1 549,9
Ulgurji va chakana savdo	2 167,2	2701,6	-	5 512,6	-
Bank, sug'urta, lizing, kredit va vositachilik	1 600,3	2193,7	3 267,4	4 052,0	5268,6
Ta'lim	869,6	1066,5	1 711,6	2 192,5	2197,3
Sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar ko'rsatish	750,5	962,4	1 739,5	1 910,3	2239,5
San'at, ko'ngil ochish va dam olish	413,8	551,1	983,7	1 345,9	1865,0
Boshqa faoliyat turlari	689,1	1343,4	2 086,5	2 005,1	2450,6

Manba: Iqtisodiyot va Moliya vazirligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Tumanda sanoat ishlab chiqarishi asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar hajmiga bog'liq. Tumanda investitsiya hajmi 2022-yilda 2017-yilga nisbatan deyarli 71 barobarga oshgan (9-rasm). Sanoat mahsulotlari hajmi esa 8 barobar oshgan. Hududda sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmining asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar hajmiga bog'liqligining regression tahlilini olib borish, bizga ular orasida $R^2 = 0,71$ va P qiymatining ahamiyatlilik darajasi 0,034 koeffitsiyentli quyidagicha modelni olishimizga imkon berdi:

$$Y=225,94+0,062X \\ (46,42) \quad (0,019)$$

Bu esa 95 % ishonchlilik darajasi bilan agar asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi 1 mlrd. so'mga ohsa, sanoat ishlab chiqarish hajmi 62 mln. so'mga ortishi mumkinligini prognoz qilishimiz mumkinligini anglatadi. Sanoat ishlab chiqarishi hududning elektr

energiya bilan ta'minlanganligiga ham bog'liq. Bu jihatdan Sirdaryo viloyati 15 249,1 mln. kVt/s elektr energiya ishlab chiqarish hajmi bilan respublikada Toshkent viloyatidan (18 228 mln. kVt/s) keyin 2-o'rinda turadi [11]. Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 10-avgustdagi "Sirdaryo viloyatida quvvati 1 500 MVt bo'lgan yangi issiqlik elektr stansiyasi qurilishini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4799-sonli Qarori qabul qilingan. Ushbu loyihani amalga oshirish 2020-yil noyabrda boshlangan bo'lib, joriy yilda dastlabki bloklari ishga tushirilishi rejalashtirilgan. Ushbu loyihaning ishga to'liq tushishi natijasida viloyatda qo'shimcha 10 mlrd. kVt/s elektr energiya ishlab chiqariladi [12]. Boyovut tumanida so'ngi yillarda tashqi iqtisodiy faoliyat jadallashib bormoqda. Buni tumanning 2016–2022-yillarda tashqi savdo aylanmasi 7,3 barobar oshgani tasdiqlaydi (5-jadval).

5-jadval.

Boyovut tumanining tashqi savdo aylanmasi, ming. AQSh dollari

Yillar	2016 y	2017 y	2018 y	2019 y	2020 y	2021 y	2022 y
Tashqi savdo aylanmasi	8 184,5	19 262,9	10 357,1	21 348,0	21 707,2	26 878,8	59 321,1
shu jumladan:							
MDH davlatlari	1 639,5	8 558,4	3 188,5	5 499,7	7 071,0	16 249,2	36 743,7
boshqa davlatlar	6 545,0	10 704,5	7 168,6	15 848,3	14 636,2	10 629,6	22 577,4
Eksport	7 488,4	18 521,9	6 268,8	13 350,3	13 408,0	13 523,4	24 862,2
shu jumladan:							
MDH davlatlari	945,7	8106,8	2 480,8	1 947,0	1 034,1	3 940,9	5 001,6
boshqa davlatlar	6542,7	10415,1	3 788,0	11 403,3	12 373,9	9 582,5	19 860,6
Import	696,1	741,0	4 088,3	7 997,7	8 299,2	13 355,4	34 458,9
shu jumladan:							
MDH davlatlari	693,8	451,6	707,7	3 552,7	6 036,9	12 308,3	31 742,1
boshqa davlatlar	2,3	289,4	3 380,6	4 445,0	2 262,3	1 047,1	2 716,8

Manba: Iqtisodiyot va Moliya vazirligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Tumanda sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarishda asosiy ulush kichik tadbirkorlik shakllariga to'g'ri kelmoqda (6-jadval). Sanoat ishlab chiqarishi bilan shug'ullanuvchi kichik tadbirkorlik subyektlari soni 197 ta yoki umumiyga nisbatan 16,7 % ni tashkil etmoqda (7-jadval).

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 30.12.2022-yildagi "Respublika hududlarini

toifalarga ajratish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlashning tabaqalashtirilgan tizimini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-287-son Farmoniga ko'ra Boyovut tumani 4-toifaga kiritilgan bo'lib, maxsus imtiyozlarga ega bo'lgan hududlar qatoriga kiradi [13]. Bu albatta istiqbolda tumanda tadbirkorlik faoliyatining rivojlanishini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

6-jadval.

Boyovut tumani asosiy ijtimoiy-iqtisodiy ko'rsatkichlarida kichik tadbirkorlik ulushi

Yillar	2017 y	2018 y	2019 y	2020 y	2021 y
Sanoat mahsuloti	75,6	72,6	68,7	-	94,5
Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar	39,1	23,3	43,0	-	91,8
Qurilish	99,7	100,0	95,7	-	97,9
Xizmatlar	83,7	86,7	85,1	53,3	
Chakana tovar aylanmasi	92,6	95,9	98,6	-	78,3
Tashqi savdo aylanmasi	79,9	85,8	61,1	-	68,6
Eksport	79,1	76,5	37,7	-	75,3
Import	100,0	100,0	100,0	-	61,8
Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi	100,0	100,0	100,0	-	99,8
Yuk tashish	95,1	96,6	96,6	95,0	93,3
Yuk aylanmasi	94,7	96,0	95,6	93,7	83,1
Yo'lovchi tashish	97,4	96,1	93,6	93,6	90,7
Yo'lovchi aylanmasi	97,2	98,7	98,7	97,4	97,5

Manba: *Iqtisodiyot va Moliya vazirligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.*

7-jadval.

Ro'yxatga olingan hamda faoliyat ko'rsatayotgan kichik tadbirkorlik subyektlari iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha soni

Faoliyat turlari	Ro'yxatga olinganlar		Faoliyat ko'rsatayotganlar	
	birlik	yakunga nisbatan foizda	birlik	yakunga nisbatan foizda
Jami	1284	100,0	1179	100
<i>shu jumladan:</i>				
qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi	250	19,5	236	20,0
sanoat	223	17,4	197	16,7
qurilish	109	8,5	101	8,6
savdo	462	36,0	425	36,0
tashish va saqlash	49	3,8	44	3,7
yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlar	82	6,4	75	6,4
axborot va aloqa	18	1,4	15	1,3
sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar ko'rsatish	5	0,4	4	0,3
boshqa turdagi xizmatlar ko'rsatish	86	6,6	82	7,0

Manba: *Iqtisodiyot va Moliya vazirligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.*

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlarni tahlil qilish bizga Boyovut tumanida so'ngi yillarda sanoat ishlab chiqarishi ijobiy tomonga o'sib borayotgani va

uning tarkibida ishlab chiqarish sanoatining qiyosiy ustunligini kuzatishimizga imkon beradi. Tumanda tabiiy resurslar bilan ta'minlanganlikning past

darajasini inobatga olgan holda chiqindilarni qayta ishlash sanoatini rivojlantirish mumkin. Saralangan chiqindi turi, xususan keng tarqalgan plastikni qayta ishlash muhim ahamiyatga ega. Plastik granula holatiga keltiriladi va ikkilamchi xom ashyoga aylanadi. Mazkur xom ashyodan ko'plab mahsulotlarni ishlab chiqarish mumkin. Bunday sohalarda faoliyat yuritayotgan «Sanfa Products» kompaniyasi va Surxondaryo viloyatida joylashgan «Bio Texno Eko» korxonasi natijalaridan namuna sifatida foydalanish mumkin [14].

Tumanda shuningdek, to'qimachilik va oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish ulushi yuqoriligi, bu sohalarni rivojlantirishga ulkan imkoniyatlar borligidan dalolat beradi.

Shu bilan birga tumanda sanoat ishlab chiqarishini rivojlantirishga to'sqinlik qilayotgan bir qator omillar mavjud:

1. Chiqindilarning foydalilik darajasi pastligi;
2. Chiqindilarni utilizatsiya qilish madaniyatining aholi orasida pastligi;
3. Logistika tizimining yaxshi rivojlanmaganligi;
4. Shahar markazlaridan olisligi;
5. Energiya resurslari bilan ta'minlanganlik darajasi pastligi;
6. Sanoat ishlab chiqarishi uchun malakali kadrlarning yetishmasligi;
7. Ijtimoiy infratuzilmaning yaxshi rivojlanmaganligi.

Ushbu muammolarni hal qilishda davlat-xususiy sherikchilik usullaridan foydalanish, ichki va tashqi investitsiyalarni faol jalb etish mexanizmlarini takomillashtirish lozim. Shuningdek, urbanizatsiya darajasini oshirish bo'yicha ham rejalar ishlab chiqish sanoatning ham oshishiga olib kelishini e'tiborga olish kerak. Tumanni asosan yengil sanoatga chuqur ixtisoslashtirish to'qimachilik, ip-kalava, trikotaj mahsulotlarini ishlab chiqarishning joriy holatda yaxshi rivojlanganligi va buning uchun tumanda arzon ishchi kuchi yetarliligi bilan asoslanadi. Shu bilan birga kelajakda bog'dorchilik va meva-sabzavotchilikni rivojlantirish orqali oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish sanoat turiga ixtisoslashtirish maqbul yo'nalishlardan biridir.

Taklif va xulosalar.

Xulosa qilib aytish mumkinki, Boyovut tumanida so'ngi yillarda ijtimoiy- iqtisodiy ko'rsatkichlarda o'sish kuzatilgan bo'lsada, respublika buyicha shuningdek, viloyat miqiyosida ham bir qator iqtisodiy

ko'rsatkichlarda ortda qolmoqda. Tumanda sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarishda mumkin bo'lgan potensialidan ancha past hajmlarga erishilgan. Tumanda sanoat ishlab chiqarishining mavsumiylik xususiyatlarini oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish sanoatining ulushi kattaligi bilan izohlash mumkin. Bunday sanoat turining samaradorligini oshirish uchun tumanda meva-sabzavotlarni saqlash uchun muzlatkichlarni, agrologistika xizmatlarini samarali tashkil etish, yangilarini barpo etish zarur. Qishloq xo'jaligi korxonalari bilan fyuchers shartnomalar tuzish orqali hom ashyo bazasini kengaytirish va mustahkamlash va shu orqali agrar mahsulot ishlab chiqaruvchilarni rag'batlantirish mumkin. Chiqindilarni qayta ishlash sanoatini rivojlantirishda chiqindilarni qayta ishlash va qayta ishlangan mahsulotlardan tayyorlangan tovarlarni realizatsiya qilishga ko'maklashish maqsadida davlat idoralari, davlat maktablari, davlat korxonalari va tashkilotlari hamda harbiy tuzilmalar imtiyozli ravishda ushbu tovarlarni sotib olishi tartibini joriy etgan Xitoy tajribasidan foydalanish maqsadga muvofiq [15].

Ekonometrik modellashtrish sanoat ishlab chiqarishi sohada asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalarga ahamiyatli bog'liqligini ko'rsatdi. Shuning uchun tuman investitsion jozibadorligini oshirish dolzarb masala hisoblanadi. Tumanda infratuzilmani tubdan yaxshilash, bunda, yo'llarni ta'mirlash, elektr energiya va ichimlik suvi, optik tolali internet qamrovini oshirish, texnoparklar barpo etish, erkin iqtisodiy zonalar tashkil etish ustuvor maqsadlar bo'lishi kerak. Tumanga yaqin hududlarda yirik elektr stansiyalari mavjudligi mazkur yo'nalishlar uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratadi.

Tuman sanoat mahsulotlarining tarkibida aynan ishlab chiqarish sanoati yetakchi bo'lmoqda. Ishlab chiqarish sanoatida quyidagi asosiy yo'nalishlarni sanab o'tish mumkin: to'qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarish; oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish; kiyim mahsulotlari ishlab chiqarish. Shu bilan birga quyidagi sanoat sohalari ham nisbatan past rivojlangan bo'lsada, ma'lum ulushda mavjudligini ta'kidlash lozim: nometall mineral mahsulotlari ishlab chiqarish; mashina va uskunalardan tashqari tayyor metall buyumlar mahsulotlari ishlab chiqarish; mebel ishlab chiqarish mahsulotlarini tayyorlash; tayyor buyumlar mahsulotlari ishlab chiqarish; teri va unga tegishli mahsulotlar ishlab chiqarish. Umuman olganda to'qimachilik, oziq-ovqat va kiyim mahsulotlarini

ishlab chiqarish yo‘nalishlari tuman sanoat ishlab chiqarishining oshishida drayverlar bo‘lib xizmat qilmoqda. Shu bilan birga, ushbu korxonalarda ishlab chiqarish unumdorligi nisbatan past bo‘lib, bu mavjud ishlab chiqarish kuchlarini modernizatsiyalash va

raqamli texnologiyalarni keng joriy qilish zaruriyatini belgilab beradi. Mazkur choralarni amalga oshirish tumanni import qiluvchidan eksport qiluvchiga aylantirishi va kichik korxonalarini yirik korxonalar integratsiyasiga olib kelishi mumkin.

Manba va adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 12.10.2023 yildagi “Sanoat va uning bazaviy tarmoqlarini jadal rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi PF-169-son Farmoni.
2. Wu Qinghong. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 00061, 5/2022, 228-233 betlar. DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a24
3. B.B. Muhammadjonov. O‘zbekistonda faoliyat yuritayotgan kichik sanoat hududlari rivojlanishining istiqbollari. *Journal of Academic Research in Educational Sciences – Google Scholar* 2022.
4. S.A. Sheraliyeva. Erkin iqtisodiy hududlarga investitsiya jalb etishni boshqarish mexanizmini takomillashtirish. *Journal of Academic Research in Educational Science – 2021*.
5. Ulug‘bek Shukurov. O‘zbekiston hududlarining sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish faolligi tahlili. *Iqtisodiyot:tahlillar va prognozlar ilmiy elektron jurnali. № 1 (21) Yanvar–Mart, 2023-yil, 52–57 betlar.*
6. Madina Rahimova. Tarkibiy o‘zgarishlarni chuqurlashtirish orqali urbanizatsiya darajasini oshirish. *Iqtisodiyot:tahlillar va prognozlar ilmiy elektron jurnali. № 2 (22) Aprel–Iyun, 2023-yil, 152–160 betlar.*
7. X.Bakirov, U.Qullyev. Global raqobatbardoshlik indeksi (Global Competitiveness Index) bo‘yicha eng yuqori o‘shirish sur‘atiga erishgan davlatlar tajribasi tahlili. *Iqtisodiyot:tahlillar va prognozlar ilmiy elektron jurnali. № 3 (23) Iyul–sentyabr, 2023-yil, 4–12 betlar.*
8. Ўзбекистонда чиқинди муаммоси ва Япония тажрибаси. Сайтда mavjud: https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-chiqindi-muammosi-va-yaponiya-tazhribasi_424890 (mashruф вақти: 16.03.2023 й).
9. FAO. 2017. *The future of food and agriculture – Trends and challenges*. Rome, p 67.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019-йилдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020–2030-йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сон Фармони.
11. *Statistika agentligi ma‘lumotlari. 2020-yil holatiga.*
12. Sirdaryo viloyatida yangi issiqlik elektr stansiyasi qurilishi boshlandi. Saytda mavjud: <https://yuz.uz/uz/news/sirdaryo-viloyatida-yangi-issiqlik-elektr-stantsiyasi-qurilishi-boshlandi> (tashrif vaqti: 16.03.2023-y).
13. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 30.12.2022-yildagi “Pespublika hududlarini toifalarga ajratish va tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlashning tabaqalashtirilgan tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” zu PF-287-son Farmoni.
14. Ochilboy Ramatov. Chiqindilarni qayta ishlash bo‘yicha yo‘lga qo‘yilgan loyihalar haqida ma‘lumot berildi. Saytda mavjud: <https://kun.uz/uz/news/2021/01/30/chiqindilarni-qayta-ishlash-boyicha-yolga-qoyilgan-loyihalar-haqida-malumot-berildi> (tashrif vaqti: 10.11.2023).
15. A.Safarova. Chiqindilarni qayta ishlash: dolzarb muammo va takliflar. Sayrda mavjud: <https://xs.uz/uz/78843> (tashrif vaqti: 10.11.2023).

Ijtimoiy masalalar, fan, ta'lim va kambag'allikni qisqartirish /
Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education, and poverty reduction

УЎК: 331.102.334.021.(575.1)

Рустам ТАШМАТОВ,
Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги
Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш
муаммоларини тадқиқ этиш маркази
катта илмий ходими,
E-mail: rustam9837@mail.ru

Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув органларининг кадрлар захирасини шакллантириш ва ворисликни режалаштириш тизимини жорий этиш

Аннотация: мазкур мақолада давлат компаниялари корпоратив бошқарув органларининг ворислигини режалаштириш ва кадрлар захирасини яратишнинг моҳияти ва зарурлиги очиқ берилган, Россиянинг йирик компанияларида ушбу жараённи амалга оширишнинг энг яхши амалиёти таҳлил қилинган, шунингдек, Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув органларининг кадрлар захирасини шакллантириш ва ворисликни режалаштириш бўйича хорижий тажрибани жорий этиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: кадрлар захираси, кадрлар сиёсати, ворислик, ворисликни режалаштириш, корпоратив бошқарув органлари.

Формирование системы кадрового обеспечения и планирования преемственности органов корпоративного управления в предприятиях с государственным участием в Узбекистане

Рустам Ташматов,
Доктор экономических наук (DSc),
Центр исследования проблем приватизации и управления государственными активами при

Агентстве по управлению государственными активами Республики Узбекистан, старший научный сотрудник

Аннотация: в данной статье раскрыта суть и необходимость проведения планирования преемственности и создания кадрового резерва органов корпоративного управления в государственных компаниях, проанализирована лучшая практика осуществления данного процесса в крупных компаниях России и даны рекомендации внедрению зарубежного опыта планирования преемственности и создания кадрового резерва органов корпоративного управления в предприятиях с государственным участием в Узбекистане.

Ключевые слова: кадровый резерв, кадровая политика, преемственность, планирование преемственности, органы корпоративного управления.

Establishing a system for personnel and succession planning of corporate management bodies in enterprises under the participation of the state of Uzbekistan

Rustam Tashmatov,

Doctor of Economics (DSc),

*Center for Research on Privatization Issues and
Management of State Assets at the Agency for
Management of State Assets of the Republic of
Uzbekistan, Senior Researcher*

Abstract: *this article reveals the essence and necessity of succession planning and the creation of a personnel reserve of corporate governance bodies in state-owned companies, analyzes the best practice of implementing this process in large Russian companies and provides recommendations on the organization and implementation of foreign experience in succession planning and the creation of a personnel reserve of corporate governance bodies in enterprises with state participation in Uzbekistan.*

Keywords: *personnel reserve, personnel policy, succession, succession planning, corporate governance bodies.*

Кириш. Раҳбар ходимларни йўқотган пайтида ўз фаолиятини тугатишни ёки тўхтатишни истамайдиган аксарият корхоналар кадрлар захирасини шакллантириш ва раҳбарларнинг мумкин бўлган ўзгаришидан анча олдин ворисликни режалаштириш билан шуғулланидилар.

Корхоналарда, шу жумладан давлат иштирокидаги корхоналарда кадрлар захирасини шакллантириш нафақат раҳбар ёки мутахассис йўқлигида уни алмаштириш масаласини зудлик билан ҳал қилиш, балки узоқ вақт давомида масъулиятли лавозимни эгаллаш учун лозим даражада тайёрланган ходимни етиштиришга имкон берадиган жараёнлардан биридир.

Ворисликни режалаштириш эса, ўз навбатида, бу асосий раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун корхона ичида катта салоҳиятга эга ходимларни аниқлаш ва ривожлантириш жараёнидир.

Кадрлар захирасини шакллантириш ва ворисликни режалаштириш масалаларида хорижий компаниялар ижобий тажрибага эга, уларда мазкур жараён кадрлар сиёсатининг умумий стратегиясининг бир қисми саналади.

Мазкур мақолада хорижий компанияларда ворисликни режалаштириш ва кадрлар захирасини яратиш бўйича тажриба ўрганилган ҳамда халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон шароитига мослаштирилган акциядорлик жамияти кузатув кенгаши

аъзоларининг узлуксизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Асосий қисм. Маълумки, хорижий компаниялар кадрларнинг захирасини шакллантириш ва корпоратив бошқарув органларига ворисликни режалаштириш борасида бой тажрибага эга. Уларда ушбу жараён узлуксиз ва мунтазамлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Бу борада Россия компанияларини ҳам андоза сифатида келтириш мумкин. Жумладан, Россия компаниялари ворисликни режалаштириш зарурлигини тушуниб, бошқарув лавозимлари, шу жумладан корпоратив бошқарув органлари учун кадрлар захирасини шакллантириб боришади.

Масалан, иқтисодиётдаги глобал ўзгаришларга қарамай, Россия Федерацияси Марказий банки ўзининг бизнес-фаолиятига янги бошқарув амалиётини жорий этиб, “етук” корпоратив бошқарув маданиятини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Россия Федерацияси Марказий банки томонидан таклиф қилинган бундай амалиётлардан бири давлат акциядорлик жамиятларида директорлар кенгашларида узлуксизлик маданиятини шакллантириш ҳисобланади.

Хусусан, Россия Федерацияси Марказий банки ўз мактубида [7] директорлар кенгашларига ворислик тартибини йўлга солишга эътибор беришни тавсия қилди. Директорлар кенгаши томонидан махсус ички ҳужжат – директорлар кенгашининг узлуксизлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ворислик жараёнини мақбул ва изчил ташкил этишга ёрдам бериши мумкин. Ички ҳужжатда узлуксизлик жараёнини расмийлаштиришни соддалаштиришга ва уни амалга оширишга ўз-ўзидан эмас, балки изчил ёндашишга имкон беради.

Мазкур мактубда Россия Федерацияси Марказий банки корпоратив бошқарув Кодекси [8] нинг қоидаларига бир неча бор мурожаат қилади ва вақти-вақти билан директорнинг мустақиллигига кўпроқ урғу беради. Россия Федерацияси Марказий банки маълумотларига кўра, директорнинг мустақиллиги Россия давлат корпорациялари директорлар кенгашларида узлуксизликни шакллантиришнинг асосий жиҳати ҳисобланади. Корпоратив бошқарув кодексининг ғояларини ишлаб чиқишда Россия Федерацияси Марказий банки “директорнинг мустақиллигини аниқлашда расмий ёндашувдан қочиш тавсия этилади”, деб таъкидлайди ва яна бир бор ушбу Кодексга мувофиқ “компаниянинг

директорлар кенгашида жами етти йилдан ортиқ ишлаган номзодни мустақил деб тан олиш тавсия этилмайди”.

Шундай қилиб, Россия Федерацияси Марказий банки директори фақат етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатда мустақил бўла олади. Демак, Россия Федерацияси Марказий банки директорлар кенгашида етти йиллик ворислик муддатини белгилайди.

Маълумки, бошқарув кенгаши аъзоларининг алмашилиши ривожланган корпоратив бошқарув маданиятига эга корпорациялар учун хосдир. Корпоратив бошқарув маданияти юқори даражада ривожланган корпорацияларда ворисликни режалаштириш нафақат директорлар кенгашига, балки юқори менежментга нисбатан ҳам “муаммоли масалалар” дан ҳамда директорлар кенгашининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, Россия Федерацияси Марказий банки акциядорлик жамиятларида директорлар

кенгаши (кузатув кенгаши)да ворисликни шакллантириш ва таъминлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқди ва юқорида келтирилган мактубининг илова-сига киритди.

Ушбу тавсияларнинг 2-боби директорлар кенгаши ворислигини таъминлашга бағишланган. Унда директорлар кенгаши ворислигини режалаштириш жараёнини ташкил этиш, жараёни регламентация қилиш, директорлар кенгашининг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, директорлар кенгашига салоҳиятли номзодларни қидириш ва танлаб олиш, акциядорлар билан ўзаро муносабатлар, янгидан сайланган директорлар кенгаши аъзолари учун кириш курслари дастурини ташкил этиш каби масалалар батафсил ёритиб берилган.

Мазкур ҳужжатда директорлар кенгаши аъзоси бўлишга даъвогар бўлган номзодлар учун компетенциялар матрицаси яратилган. Мазкур матрица қуйидаги кўринишга эга (1-жадвал).

1-жадвал

Директорлар кенгаши аъзоси бўлишга даъвогар бўлган номзодларнинг компетенциялари матрицаси [6]

Компетенциялар	Директорлар кенгаши аъзолари		
	1-номзод	2-номзод	n-номзод
Базавий компетенциялар			
Стратегик режалаштириш соҳасидаги компетенциялар			
Рискларни бошқаришдаги компетенциялар			
Молиявий ҳисоботни таҳлил қилиш соҳасидаги компетенциялар			
Ходимларни ва мотивация тизимини бошқариш соҳасидаги компетенциялар			
ва ҳ.к.			
Махсус компетенциялар			
Халқаро ҳамкорлик/бизнесни юритиш соҳасидаги компетенциялар			
Ҳуқуқ соҳасидаги компетенциялар			
Маркетинг соҳасидаги компетенциялар			
Тармоқ соҳасидаги компетенциялар			
ва ҳ.к.			
Жамиятнинг узоқ муддатли ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган компетенциялар			
Инновация, ахборот технологиялари соҳасидаги компетенциялар			
Барқарор ўсиш соҳасидаги компетенциялар			
ва ҳ.к.			

Мазкур компетенциялар асосида ҳар бир номзод баҳоланади ва муайян лавозимга тавсия этилади. “Роснефть” нефть компанияси (НК)нинг корпора-

тив бошқарув органлари ворислигини шакллантириш тажрибаси ҳам эътиборга лойиқдир. Ушбу нефть компанияси директорлар кенгаши ва бошқа-

рувнинг ворислигини таъминлаш сиёсатини ишлаб чиқди [9]. Ушбу сиёсатга кўра, директорлар кенгаши ва бошқарувнинг ворислигини таъминлаш “Роснефть” НК томонидан “Роснефть” НК ривожланиш стратегиясига жавоб берадиган директорлар кенгаши ва бошқарувнинг мақбул ва мувозанатли таркибини шакллантириш ва сақлашга қаратилган доимий жараён сифатида тушунилади. **Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- директорлар кенгаши ва бошқарув органлари олдида турган вазифаларни изчил амалга ошириш учун тажриба ва илғор тажрибаларнинг ворислигини шакллантириш;

- “Роснефть” НКнинг ички ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган, директорларнинг мустақиллиги, малакаси ва тажрибаси мувозанатини сақлайдиган директорлар кенгашини шакллантириш;

- директорлар кенгашининг сифати ва самардорлигини оширишга қодир бўлган мустақил директорлар кенгашига киритиш;

- таркиби ўзгарган тақдирда директорлар кенгаши ва бошқарувнинг зарур компетенцияларини сақлаш.

Ушбу сиёсатда, хусусан, директорлар кенгаши аъзолари ворислигини таъминлаш бобида директорлар кенгаши таркибини шакллантириш тамойиллари, директорлар кенгаши ворислигини таъминлашдаги элементлар масалалари ёритилган.

Бу ерда ворисликни таъминлашнинг тамойиллари ва асосий элементлари директорлар кенгаши аъзоларининг ворислигини ташкил этишга ягона ёндашувни шакллантиришга, ҳар бир босқичда жараённинг турли иштирокчиларининг роллари, мажбуриятлари ва жавобгарлик соҳаларини тақсимлашни аниқлашга, директорлар кенгаши ворислигини режалаштириш бўйича аниқ, изчил ва шэффоф тартибни амалга оширишга имкон беради.

“Роснефть” НК ўзининг акциядорлари, контрагентлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг таркибини, шунингдек турли хил касбий тажриба ва малакага эга, иқтисодий тармоқлари, шу жумладан нефть ва газ, молия ва банк, шунингдек барқарор ривожланиш соҳаларидаги халқаро тажрибага эга номзодларни, шу жумладан давлат идораларида, хусусий секторда, турли хил қарашларни акс эттирувчи номзодларни директорлар кенгашига сайлашга интилишади. Энг яхши хорижий тажрибани қўллаш ва ҳисобга олиш “Роснефть” НК фаолиятининг халқаро профилига мос келади ва

унинг ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Директорлар кенгаши таркибига “Роснефть” НК ижро этувчи органлари, акциядорларнинг алоҳида гуруҳлари ёки бошқа манфаатдор томонларнинг таъсиридан мустақил равишда директорлар кенгаши компетенциялари бўйича позицияни шакллантириш учун етарли мустақилликка эга бўлган шахслар, шунингдек етарли даражада профессионал ва тажрибага эга бўлган шахслар кириши керак.

Ворисликни таъминлашнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат: директорлар кенгашининг кадрлар/касбий эҳтиёжларини аниқлаш; директорлар кенгаши томонидан номзодларни кўрсатиш ва номзодларни мустақил равишда кўрсатиш бўйича акциядорларнинг турли гуруҳлари билан ўзаро муносабатлар; директорлар кенгашининг сайланган аъзоларини тайинлаш тартибини ташкил этиш. Директорлар кенгаши самарали ишлашини таъминлаш учун “Роснефть” НК директорлар кенгашининг Кадрлар ва мукофотлаш қўмитаси директорлар кенгаши ва унинг қўмиталарининг йиллик ўзини ўзи баҳолаш ёки уларнинг фаолиятини ташқи баҳолаш доирасида “Роснефть” НКнинг “Директорлар кенгаши фаолиятини баҳолаш тўғрисида”ги Низомига [10] мувофиқ директорлар кенгашининг жорий ва қутилаётган кадрлар/касбий эҳтиёжларини таҳлил қилади ва аниқлайди, директорлар кенгаши томонидан тўлдирилиши керак бўлган долзарб компетенцияларни, ўсиш ва компетенцияларни шакллантириш соҳаларини белгилайди.

Кадрлар/касбий эҳтиёжларни аниқлаш директорлар кенгаши аъзоларининг сўровномаси орқали амалга оширилади, унинг натижаларига кўра “мақсадли компетенция матрицаси”, яъни директорлар кенгаши ўз вазифаларини самарали бажариши ва “Роснефть” НК стратегиясини амалга ошириши учун “Роснефть” НК фаолиятининг асосий йўналишлари ва жиҳатларига мос келадиган жорий ва керакли компетенциялар рўйхати шаклланади.

Сўровнома натижалари ва мақсадли компетенция матрицаси маълумотларини таҳлил қилиш асосида (агар тасдиқланган бўлса), директорлар кенгашининг “Кадрлар ва мукофотлаш қўмитаси” акциядорлар томонидан кейинги корпоратив йил учун директорлар кенгашига сайланишга таклиф қилинган номзодларни кўриб чиқиш натижаларига асосланиб, директорлар кенгашига мақсадли компетенция матрицасига мос келадиган қўшимча

мустақил номзодларни рўйхатга киритишни тавсия этиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар ва директорлар кенгаши томонидан келгуси корпоратив йил учун директорлар кенгашига сайлаш учун таклиф қилинган номзодларнинг мустақиллиги ва касбий маҳоратини кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар номзодларнинг касбий маҳорати, тажрибаси ва компетенциялари ҳақида акциядорларда тасаввур ҳосил қилиш мақсадида акциядорларнинг умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш пайтида барча акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар ва материаллар рўйхатига киритилади.

Бош ижрочи директорнинг ёки у ваколат берган бошқа шахснинг таклифига биноан директорлар кенгашига сайланиш учун таклиф қилинган номзодлар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишлари мумкин, шунда акциядорлар уларга саволлар беришлари ва уларни баҳолашлари мумкин.

Директорлар кенгашига сайланган аъзоларни қисқа вақт ичида “Роснефть” НК фаолияти билан тўлиқ ва самарали таништиришни таъминлаш учун “Роснефть” НКнинг тасдиқланган сиёсатига мувофиқ лавозимга киришиш тартиби ишлаб чиқилган. Мазкур тартибга кўра, директорлар кенгаши аъзоси сайланганидан сўнг унда “Роснефть” НК ва директорлар кенгаши амалиёти тўғрисида етарли тушунчани шакллантириш учун янги сайланган аъзога компания тўғрисида зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш назарда тутилган.

Ўзбекистонда кадрлар сиёсати давлат хизматлари тизими даражасида такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони [2] билан миллий, республика, тармоқ ва минтақавий даражада малакали ва касбга тайёрланган кадрлар захирасини шакллантириш, яъни Миллий кадрлар захираси тизимини шакллантириш ва уни юргизиш вазифаси қўйилган. Бунда кадрларни танлов асосида марказлаштирилган ҳолда танлаш, давлат хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш, шунингдек давлат хизматчиларининг мартабаси ўсишини мониторинг қилиш ва ёрдам бериш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1018-сон қарори [3] билан “Ис-

тиқболли бошқарув кадрларини танлаш бўйича «Таракқиёт» республика танлови finali иштирокчилари орасидан бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланган бўлиб, унда кадрлар захирасига киритиш, кадрлар захирасида бўлиш тартиблари ёритилган.

Давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашига номзодларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 647-сонли қарори [4] қабул қилиниб, унда давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашига номзодларни шакллантириш тартиби келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида кадрларни шакллантириш ва ворисликни таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув органлари ворислигини режалаштириш амалиёти мавжуд эмас. Шунингдек, республикамизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари, шу жумладан давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари учун ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув кодексига [6] ҳам бу борада тавсиялар берилмаган. Бу акциядорлик жамиятларида, шу жумладан давлат иштирокидаги корхоналарда кадрлар захирасини шакллантириш ва ворисликни таъминлаш учун ҳуқуқий базани ишлаб чиқишни тақозо этади.

Айтиш керакки, 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясида [5] давлат иштирокидаги корхоналарда инсон ресурслари захираси бўйича тартибни жорий этиш (6-§. 62 банди), шунингдек бошқарув органларида кадрлар захирасини шакллантириш (“Йўл харитаси”нинг 20-банди) вазифаси қўйилган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятларда кадрлар захирасини шакллантириш ва ворисликни таъминлаш жараёнини тартибга солувчи турли хил ҳужжатлар мавжуд:

- тавсиялар – ихтиёрий бўлган маслаҳатлар, таклифлар ёки йўриқномаларни ўзида акс эттирган ҳужжат. Масалан, Россия Федерацияси Марказий банки “Давлат акциядорлик жамиятларининг директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ворислигини шакллантириш ва таъминлаш бўйича тавсиялар”ни [7] ишлаб чиққан. Унда директорлар кенгашини

шакллантириш ҳамда директорлар кенгаши ворислигини таъминлаш бўйича тавсиялар берилган;

- низом – ҳар қандай орган (комиссия, қўмита, кенгаш ва бошқалар), таркибий бирлик ёки умуман ташкилотнинг шаклланиши, тузилиши, функциялари, компетенциялари, вазифалари ва ишини ташкил этиш тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Масалан, Кабардин-Болқор республикаси Эльбрус муниципал туманининг таълим бошқармаси Эльбрус муниципал туманининг таълим тизими бошқарув кадрлари захираси тўғрисидаги Низомни [11] ишлаб чиқди. Унда кадрлар захирасини шакллантириш босқичлари, кадрлар захирасини шакллантириш тартиби, кадрлар захираси билан ишлаш, кадрлар захирасига киритилган шахснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, кадрлар захирасидан чиқариш таомиллари акс эттирилган;

- сиёсат – ташкилотнинг ривожланиш стратегиясида белгиланган ва унинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мақсадларни батафсил баён қилиш учун ташкилотнинг юқори раҳбарияти томонидан қабул қилинган ҳужжат. Масалан, “Роснефть” НК ўзининг директорлар кенгаши ва бошқарувнинг ворислигини таъминлаш ва аъзоларини лавозимга тайинлаш сиёсати”ни ишлаб чиқди [9], унда тайинлаш, фаолият доираси ва муддати, бажарилишини таъминлаш тартиби, директорлар таркибини шакллантириш тамойиллари, ворислигини таъминлаш элементлари, бошқарув таркибини шакллантириш тамойиллари, бошқарув ворислигини таъминлаш элементлари, директорлар кенгаши аъзоларини лавозимга тайинлаш, шунингдек бошқарув аъзоларини тайинлаш тартиблари акс эттирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатувчи давлат иштирокидаги корхоналарда бошқарув органларининг кадрлар захирасини шакллантириш ва ворислигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади. Мазкур ҳужжатни сиёсат шаклида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, чунки айнан бу турдаги ҳужжат корпоратив бошқарув органларига кадрларни шакллантириш ва ворисликни таъминлаш борасида келгусидаги эҳтиёжлари аниқлаш ва муносиб номзодларни танлаб олиш, уларни тайёрлаш ва бошқарув ходимларини алмаштириш ҳолатларини олдиндан билиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясининг [5] “Йўл харитаси”да (15-банд) давлат улуши устун бўлган корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига ТОП-100 та муваффақиятли менежерлардан иборат кадрлар захирасидан камида бир нафар тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган чет эллик мустақил аъзони киритиш вазифаси қўйилган.

Шу муносабат билан ва энг яхши хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг ворислигини таъминлаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида жорий этиш тавсия этилади. Бу эса давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида ташкил этилган кузатув кенгашларининг узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга замин яратиб беради.

Хулоса.

1. Корпоратив бошқарув органлари ходимларини асосий ролларда алмаштиришга қодир кадрларни тайёрлаш, компаниянинг узлуксиз ишлаши учун зарур шарт ҳисобланади. Бироқ, ушбу вазифани амалга ошириш ходимларни баҳолашнинг умумий қабул қилинган усулларининг етишмаслиги билан мураккаблашади.

2. Кўпинча, корпоратив бошқарув органлари учун кадрлар тайёрлашни изчил режалаштириш жараёнида мавжуд воситаларни ташкилотга мослаштириш ёки мустақил равишда “нолдан” янгиларини яратиш зарур бўлади.

3. Кўплаб ривожланган компаниялар корпоратив бошқарув кадрларини кўпайтириш зарурлигини англаб, ворислик бошқарувини амалга оширмоқдалар. Бунинг билан Россия Федерацияси Марказий банки ҳамда “Роснефть” НК компаниялари мисолида яққол кўрдик.

4. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларига халқаро тажрибани жорий этиш, хусусан, акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг ворислигини таъминлаш сиёсати кўринишидаги ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш замон талаби ҳисобланади.

5. Ушбу сиёсатни акциядорлик жамиятларида, шу жумладан давлат иштирокидаги жамиятларда жорий этиш амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш

тўғрисида”ги Қонуни [1], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 647-сонли қарори [4], Корпоратив бошқарув кодекси [6]), шунингдек акциядорлик жамиятларининг ички

ҳужжатлари (Устав, Кузатув Кенгаши тўғрисидаги Низом, Тайинлаш ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисидаги Низом ва бошқалар)га ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишни тақозо этади.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 223-И-сон Қонуни. URL: <https://lex.uz/uz/docs/6567>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.10.2019 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони. URL: <https://lex.uz/ru/docs/4549993>.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.12.2018 йилдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлаш бўйича “Тараққиёт” республика танлови finali иштирокчилари орасидан раҳбар кадрлари захирасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1018-сон қарори. URL: <https://lex.uz/ru/docs/4106639>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.11.2022 йилдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашига номзодларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 647-сон қарори. URL: <https://lex.uz/uz/docs/6276130>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.03.2021 йилдаги “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сонли қарори. URL: <https://lex.uz/uz/docs/5351244>
6. Корпоратив бошқарув кодекси (акциядорлик жамиятлари самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия йиғилиши томонидан тасдиқланган 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённома) URL: https://tmz.uz/f/kodeks_korporativnogo_upravleniya.pdf
7. Информационное письмо Банка России от 22.04.2020 года № ИИ-06-28/80 «О рекомендациях по формированию и обеспечению преемственности совета директоров (наблюдательного совета) публичных акционерных обществ». URL: https://cbr.ru/StaticHtml/File/59420/20200422_in_06-28-80.pdf
8. Письмо Банка России от 10.04.2014 года № 06-52/2463 «О Кодексе корпоративного управления». URL: https://cbr.ru/statichtml/file/59420/inf_apr_1014.pdf
9. Обеспечение преемственности и введения в должность членов совета директоров и правления ПАО «НК «Роснефть». № ПЗ-01П-02 ЮЛ-001. Версия 1. URL: https://www.rosneft.ru/upload/site1/document_file/P3-01_P-02_YUL-001.pdf?ysclid=lo71oqb7b956909457
10. Положение об оценке деятельности совета директоров ПАО «НК «Роснефть». № ПЗ-01 Р-0013 ЮЛ-001. Версия 1.00 URL: https://www.rosneft.ru/upload/site1/document_file/P3-01_R-0013_UL-001.pdf?ysclid=lo72lboxm10491178642
11. Приказ Муниципального учреждения «Управление Образования» Эльбрусского муниципального района Кабардино-Балкарской Республики “Об утверждении Положения о резерве управленческих кадров Муниципальной системы образования Эльбрусского муниципального района” от 30.12.2020 г. № 196. URL: <https://ruoelbrus.ru/wp-content/uploads/2020/12/polozhenie-o-rezerve-ruk.oo.pdf?ysclid=lo74psrkbr122333870>

УЎК: 369.31.330.59.(575.1)

Дилдора КАРИМОВА,
*Доктор экономических наук,
руководитель проекта Института макроэкономических и
региональных исследований,
E-mail: d.karimova@imrs.uz,*
Дийдор БЕРДИКЛИЧЕВ,
*старший научный сотрудник
Института макроэкономических и региональных исследований,
E-mail: d.berdiklichev@imrs.uz*

Школьное питание как инструмент социальной защиты детей

Аннотация: в статье рассмотрена практика реализации программ школьного питания в мире и Узбекистане. Представлены результаты социологического опроса в регионах республики и обзор программы бесплатного школьного питания глазами школьников, их родителей и учителей. С использованием модели “Propensity score matching” проведена оценка влияния программы школьного питания на посещаемость школ учениками младших классов. В заключении даны выводы и рекомендации с учетом зарубежного опыта.

Ключевые слова: школьное питание, социальная защита детей, образование, здоровье детей, уровень посещаемости школ, привычки правильного питания.

Мактабдаги овқатланиш болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш воситаси сифатида

Дилдора Каримова,
*Иқтисодиёт фанлари доктори,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини лойиҳа раҳбари,
Дийдор Бердикличев,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини катта илмий ходими*

Аннотация: мақолада жаҳон ва Ўзбекистонда мактабда овқатланиш дастурларини амалга ошириш амалиёти кўриб чиқилди. Республиканинг

вилоятларида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳамда мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари нигоҳида мактабда бепул овқатланиш дастурининг шарҳи тақдим этилди. “Propensity score matching” моделидан фойдаланиб, мактабда овқатланиш дастурининг бошланғич синф ўқувчиларининг мактабга қатнаш даражасига таъсири баҳоланди. Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда хулоса ва тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: мактабда овқатланиш, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, болалар саломатлиги, мактабга қатнаш даражаси, соғлом овқатланиш одатлари.

School nutrition as a tool for social protection of children

Dildora Karimova,
*Doctor of Economic Sciences,
Project Manager, Institute for Macroeconomic and
Regional Studies,
Diydor Berdiklichev,
Senior Researcher,
Institute for Macroeconomic and Regional Studies*

Abstract: the article discusses the implementation of school nutrition programs worldwide and in Uzbekistan. It presents the results of a sociological survey conducted in the regions of the republic and

provides an overview of the unpaid school nutrition program, considering the opinions of schoolchildren, their parents, and teachers. The impact of the school nutrition program on primary schoolchildren's attendance levels was assessed using the "Propensity score matching" model. The article concludes with recommendations based on foreign experience.

Keywords: school nutrition, social protection of children, education, children's health, school attendance level, healthy eating habits.

Введение. За простыми словами «школьное питание» стоит здоровье детей, залог хорошего физического и психического здоровья будущих поколений. При правильной организации программы школьного питания можно также повысить доступность и качество образования, стимулировать рост национальной экономики и обеспечить социальную стабильность.

Всемирная продовольственная программа ООН (WFP) систематически проводит исследования по вопросам школьного питания в развитых и развивающихся странах. Так, в период 2020-2022 годы количество детей, получающих школьное питание, во всем мире увеличилось на 7%, в странах с доходом ниже среднего – на 12%. Согласно оценке Всемирной продовольственной программы ООН (WFP) примерно 41% детей во всем мире, посещающих начальную школу, пользуются программами школьного питания. Степень охвата в значительной степени зависит от уровня дохода: примерно 18% школьников в странах с низким уровнем доходов получают бесплатное или субсидированное школьное питание; в странах с уровнем дохода ниже среднего этот показатель достигает 39%, а в странах с высоким уровнем дохода — 61% [1].

На что направлены программы школьного питания [2]?

Во-первых, программы школьного питания позволяют улучшить образование и здоровье детей, являются прямыми инвестициями в будущий человеческий капитал страны. Для обеспечения результативности таких программ необходимо планирование и мониторинг достаточности и качества продуктов питания с точки зрения обеспечения потребности молодого организма необходимыми питательными веществами и витаминами.

Во-вторых, помимо улучшения питания детей, бесплатное школьное питание также служит важ-

ным стимулом для обучения детей, особенно тех, кто зачастую из-за занятости в домашнем хозяйстве не имеют возможности посещать школу.

В-третьих, программы школьного питания позволяют развивать местное сельское хозяйство и производство продуктов питания и услуг, избегая негативных последствий для окружающей среды.

В-четвертых, бесплатное школьное питание формирует привычки правильного питания, что позволит в будущем упредить риски детской онкологии, инвалидности и преждевременной смертности из-за ожирения. По оценкам ВОЗ от лишнего веса страдают треть детей школьного возраста в странах Центральной Азии и Европы [3].

Всемирная продовольственная организация (ФАО) также рассматривает организацию школьного питания как действенный инструмент воспитания здоровых пищевых привычек и питания. Внедрение здорового питания в школах и просвещение по правильному питанию служат повышению грамотности детей и семей в вопросах здоровья.

ФАО разработала рамочную программу в области школьного питания и продовольственного обеспечения школ. Она направлена на:



Формирование здорового и полноценного школьного питания

Формирование полезных пищевых привычек детей и охрана здоровья

Закупка продуктов у местных фермеров и создание новых экономических возможностей

Межсекторальная координация при реализации программ школьного питания

Основная часть. Как работают программы бесплатного школьного питания в других странах? Что позитивного можно перенять из опыта этих стран?

Повышение биологической ценности питания детей. В России всем обучающимся по образовательным программам начального общего образования (с 1 по 4 класс) не менее одного раза в день положено бесплатное горячее питание: горячее блюдо и горячий напиток. Питание предоставляют в школах, где организована кухонная, столовая зона. Если в школе нет столовой или буфета, то продукты питания выдаются на дом. В меню нельзя включать повторно одни и те же блюда в течение двух последующих дней.

Есть четкое руководство по калорийности, составу и массе блюд. Например, завтрак для обучающихся 1–4 классов по нормам должен содержать 12–16 граммов белка, 12–16 граммов жира и 48–60 граммов углеводов. Ассортимент продуктов и блюд должен быть разнообразным и включать блюда из

крупы и творога; мясные или рыбные блюда; молочные продукты (в том числе сыр, сливочное масло); блюда из яиц; овощи (свежие, тушёные, отварные); макаронные изделия. Предусмотрено использовать еще и обогащённые продукты (макро-микронутриентами, витаминами, пищевыми волокнами и биологически активными веществами), а также пищевые продукты с ограниченным содержанием жира, сахара и соли (содержание добавляемой в блюдо соли на каждый приём пищи не должно превышать 1 грамм на ребёнка).

Улучшение состава меню бесплатного школьного питания. Программы «Школьное молоко» существуют в более 80 странах мира, и впервые эти программы были запущены в Великобритании в 1930-х годах. Порядка 30 миллионов детей в странах ЕС получают молоко, фрукты и овощи в рамках школьной программы Евросоюза. Европейские фермеры предоставляют детям высококачественную, безопасную и здоровую пищу, а дети учатся в раннем возрасте формировать правильные и полезные привычки в питании.

В Канаде действуют две программы - The Elementary School Milk Program в начальной школе и The School Milk Program для старших классов. Детям и их родителям постоянно рассказывают о пользе молока и молочных продуктов для растущего организма. Периодически пересматриваются стандарты школьного питания.

В Китае из-за «Школьного молока» дети начали быстрее расти. В Китае программа была запущена в 2000 году, и за 13 лет потребление молочных продуктов на душу населения выросло с 6,7 до 23,9 кг в год. Каждый ребенок, получавший школьное молоко в течение трех лет, прибавил в среднем 1,2 см в росте и 0,6 кг в весе.

Российские дети благодаря «школьному молоку» стали меньше болеть. У детей снизилась заболеваемость костно-мышечной системы, заболеваемость эндокринной системы, нарушения обмена веществ.

Оценка качества бесплатного питания. В Швеции местные органы власти, общественность и администрация школ используют онлайн-платформу под названием «SkolmatSverig» («Шведское школьное питание») для оценки качества бесплатного питания. Платформа содержит показатели оценки качества питания, и любой гражданин или организация имеет возможность проверить качество школьного обеда на соответствие рекомендуемым

нормам, внести предложения по улучшению его качества, организовать опрос детей и их родителей.

Программы школьного питания стимулируют развитие предпринимательства. Школьное питание в Казахстане для учащихся организуют акиматы, а выбор поставщика происходит на конкурсной основе. Право на бесплатное питание от государства имеют все ученики начальных классов, а также отдельные категории обучающихся и воспитанников общеобразовательных школ. В рамках программы бесплатного горячего школьного питания в отрасль производства и переработки сельскохозяйственной продукции и общепита привлекаются большие инвестиции, развивается фермерство, перерабатывающая промышленность, сфера логистики и общественного питания, появляются сотни тысяч рабочих мест.

Практика Узбекистана. В Узбекистане, думая о будущем человеческом капитале страны, принимаются меры по улучшению образования и здоровья детей. В госпрограмме по реализации Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы предусмотрено во всех школах страны внедрение бесплатного питания для учащихся начальных классов. Программа школьного питания, являясь частью системы социальной защиты населения, нацелена на обеспечение укрепления здоровья детей.

Так, пилотное обеспечение учащихся начальных классов бесплатным питанием в Каракалпакстане и Хорезмской области началось в 2022 году [4]. В Каракалпакстане бесплатными завтраками было охвачено 147,4 тысяч учащихся начальных классов 722 школ, в Хорезмской области — 141,8 тысяч учеников 1–4 классов 544 школ. На эти цели из госбюджета выделены по 100 млрд. сум в каждый регион.

Организация школьного питания, не используя школьные столовые, производится с использованием кейтеринга. Если говорить простыми словами, кейтеринг – это не просто доставка еды в нужное время и указанное место, но и обслуживание на основе договора. Отбор поставщика продуктов питания проводится на основе принципов открытости, прозрачности и конкуренции на основании Закона Республики Узбекистан «О государственных закупках».

Учет и отчетность подаваемого питания, а также мониторинг содержания ежедневного меню может осуществляться через платформу «kundalik.com» Министерства народного образования. Служба санитарно-эпидемиологического благополучия и

общественного здоровья Республики Узбекистан ведет учет состава и качества продуктов питания, поставляемых службами кейтеринг.

За целевым расходованием государственных средств, выделяемых на организацию бесплатного питания школьников, и предотвращению коррупционных факторов в школах устанавливается общественный контроль.

Институт макроэкономических и региональных исследований провел опрос в Каракалпакстане и Хорезмской области в 40 школах среди более 4 тысяч детей 1-4 классов [5]. Опрос помог посмотреть на программу бесплатного школьного питания глазами школьников, их родителей и учителей.

Важное, что удалось отметить учащимся начальных классов и учителям:

- высокий уровень удовлетворенности качеством продуктов питания и обслуживания (94%), а также положительное влияние бесплатного школьного питания на учебу (посещаемость) и здоровье детей (99%). Для мониторинга поставки и качества продукции в школах созданы комиссии из числа родителей и учителей (97%);

- поставка еды производится частными предпринимателями (90%), поставляемые в школы продукты питания являются отечественной готовой продукцией (100%). По статистике в Республике Каракалпакстан 1 предприниматель в среднем оказывает кейтеринг услуги школьного питания 38 школам

(всего: 19 предпринимателей), в Хорезмской области 1 предприниматель – 35 школам (всего: 15 предпринимателей);

- поставка еды производится ежедневно (100%), дети потребляют их во время большой перемены (73%), в классных комнатах. Готовые завтраки состоят, в основном, из хлебобулочных изделий, сладостей, фруктов, сока или воды;

- школьные столовые есть только в 20 из обследованных школах (50%). По официальной статистике в 75% школах Хорезмской области и 53% школах Республики Каракалпакстан есть школьная столовая или буфет.

Перекрестный анализ, основанный на данных результатов другого социологического опроса более 3 тысяч детей во всех регионах республики позволил выявить взаимосвязи между школьным питанием и посещаемостью уроков в школах [6].

Для оценки влияния бесплатного питания в школах на посещаемость учащихся начальных классов школ использована модель “Propensity score matching”, которая выявляет схожие по характеристикам домохозяйства в пилотных регионах (Республике Каракалпакстан или Хорезмской области) и для сравнения в контрольных регионах (остальных 12 регионах республики). В общей совокупности среди 2126 опрошенных домохозяйств таких схожих пар было выявлено 138. Характеристики домохозяйств приведены в таблице 1.

Таблица 1

Выборка схожих домохозяйств для выявления взаимосвязи школьного питания и посещаемости учеников начальных классов в школах

Характеристики домохозяйств	Республика Каракалпакстан и Хорезмская область (treatment)	Другие регионы республики (control)
Количество членов домохозяйств	5,39	5,23
Возраст ребенка	9,08	8,98
Квадрат возраста ребенка	84,07	82,17
Пол: мужской (%)	58	58
Глава домохозяйства: мужчина (%)	85	86
Нуклеарная семья (%)	69	67
Занятость главы домохозяйства (%)	48	45
Количество мальчиков в семье	1,25	1,23
Количество девочек в семье	1,13	1,06
Количество учащихся начальных классов в семье	1,06	1,07
Доля городского населения (%)	52	48
Совокупный доход семьи (тыс.сум)	3 345,80	3 251,70

Источник: Социологический опрос в октябре 2023 года в рамках проекта «Разработка Индекса благополучия детей в Узбекистане», финансируемого Всемирным банком. ИМРИ.

При сравнении уровня посещаемости школы между двумя группами по t-тесту 85% детей, получавших бесплатное школьное питание в Республике Каракалпакстан и Хорезмской области, не пропускали уроки за последний месяц, тогда как среди детей, не получавших бесплатные обеды в других регионах республики, этот показатель составляет 77%. То есть бесплатные обеды гипотетически способствуют повышению уровня посещаемости детей в школах на 8%.

Кроме того, известно, что детям нужно много энергии, поскольку они растут и развиваются. Привычки правильного питания, выраженные в потреблении богатых витаминами, макро- и микроэлементами продуктов, овощей и фруктов служат не только поддержанию здоровья детей, но и улучшению их успеваемости в школе. По результатам опроса в Республике Каракалпакстан и Хорезмской области – 77% опрошенных детей периодически едят орехи, изюм, курагу, овощи и фрукты (в других регионах республики – 88%). Каждый день употребляют мясо – 61% детей в Республике Каракалпакстан и Хорезмской области (в других регионах республики – 73%).

К привычкам правильного питания можно отнести также регулярность домашних завтраков у детей начальных классов. По результатам тех же опросов в Республике Каракалпакстан и Хорезмской области периодически завтракают 94% опрошенных детей, в других регионах республики – 99% детей-респондентов.

Выводы и рекомендации.

Каковы же основные выводы исследования по Узбекистану?

Во-первых, реализация программы бесплатного школьного питания в Республике Каракалпакстан и Хорезмской области в течение 2022–2023 годов признана населением (опрошенными детьми, их родителями и учителями) как удовлетворительно. Программа положительно влияет на посещаемость школ учеников начальных классов, что свидетельствует о необходимости ускорения процессов внедрения этой практики во всех регионах республики.

Во-вторых, у детей сформированы привычки регулярного и правильного питания. Дети постоянно завтракают дома перед уходом в школу, периодически потребляют овощи и фрукты, используют мясные продукты. Вместе с тем, в Республике Ка-

ракалпакстан и Хорезмской области целесообразно пересмотреть рацион бесплатного школьного питания в сторону включения овощей и фруктов (свежих и сушеных), фруктовых компотов и продуктов. То есть рацион школьного питания начальных классов должен быть дифференцированным в соответствии с условиями жизни каждого региона.

В-третьих, для питания во всех школах должна быть организована кухонная или столовая зона. Всех обучающихся начального общего образования (с 1 по 4 класс) не менее одного раза в день целесообразно обеспечить бесплатным горячим питанием: горячее блюдо и напиток. Должны соблюдаться нормы по калорийности, составу и массе блюд. В рацион должны быть включены обогащенные продукты (макро-микронутриентами, витаминами, пищевыми волокнами и биологически активными веществами), а также пищевые продукты с ограниченным содержанием жира, сахара и соли (опыт России).

В-четвертых, включение в рацион школьного питания молока и молочных продуктов, в результате чего каждый ребенок как минимум в течение трех лет прибавит в росте и в весе (опыт Китая). У детей снизится уровень заболеваемости костно-мышечной системы, эндокринной системы, уменьшатся нарушения обмена веществ (опыт России).

В-пятых, программа школьного питания позволит развивать местное сельское хозяйство и производство продуктов питания и услуг, предоставляя детям экологически чистую, обогащенную микроэлементами и витаминами пищевую продукцию (опыт Казахстана).

В-шестых, создание онлайн-платформы для оценки качества бесплатного питания в школах позволит усилить общественный контроль и проводить регулярный мониторинг. Платформа может содержать показатели оценки качества питания, и любой гражданин или организация сможет проверить качество школьного обеда на соответствие рекомендуемым нормам, внести предложения по улучшению его качества, организовать опрос детей и их родителей (опыт Швеции).

В-седьмых, в связи с тем, что программы школьного питания финансируются из госбюджета и существует необходимость в расширении охвата школьным питанием, в финансирование программы школьного питания в Узбекистане могут быть привлечены доноры, как национальный частный

сектор, так и международные организации. Во всем мире внутреннее финансирование школьного питания составляет более 98%, в странах с низким уровнем дохода – 45%, в странах с доходом ниже среднего – 97% [1]. Известно, что миссия Всемирной продовольственной программы ООН (ВПП ООН) заключается в поддержке правительств стран мира в обеспечении доступа всех детей к школьному питанию и здоровому образу жизни, а также в повышении их интереса к обучению.

Таким образом, число стран, принявших политику школьного питания, растет год за годом. Сегодня более 87% всех стран мира используют программы школьного питания как платформу, обеспечивающую доступ не только к услугам образования, но и услугам здравоохранения и социальной защиты детей. Узбекистан также нацелен на использование этого прогрессивного инструмента, направленного на социальную защиту и улучшение благополучия детей и будущих поколений.

Источники и литература

1. *Состояние школьного питания в мире в 2022 году. Всемирная продовольственная программа ООН. Март. 2023.* <https://docs.wfp.org/api/documents/WFP-0000148552>
2. *Подход ВПП ООН к школьному питанию, дружелюбному к планете. Ноябрь 2023.* <https://www.wfp.org/publications>
3. *WHO European Regional Obesity Report. 2022.* <https://iris.who.int/bitstream/handle/10665/353747/9789289057738-eng.pdf>
4. *Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25 августа 2022 года № 472 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы здорового питания в общеобразовательных учреждениях, расположенных в Республике Каракалпакстан и Хорезмской области»*
5. *Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm viloyati boshlang'ich sinf o'quvchilarini bepul ovqatlantirish tizimini takomillashtirish maqsadida tanlanma so'rov asosida tadqiqot. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti. 15.11.2023 yil.*
6. *Социологический опрос в рамках проекта «Разработка Индекса благополучия детей в Узбекистане», финансируемого Всемирным банком. Институт макроэкономических и региональных исследований. Октябрь 2023 г.*

УЎК: 378.1.(575.1)

Indira KHADJIEVA,
Westminster International University in Tashkent
Lecturer, PhD candidate,
E-mail: i.khadjieva@wiut.uz

Quality education: a comprehensive analysis of school climate factors effecting student cognitive skills

54. Kunter, M., (2013). *Motivation as an aspect of professional competence: Research findings on teacher enthusiasm*, Springer US, Boston, MA
55. Konold, K. E., Miller, S. P., & Konold, K. B. (2004). *Using teacher feedback to enhance student learning*. *Teaching Exceptional Children*, 36(6), 64–69.
56. Gentrup, S., Lorenz, G., Kristen, C., & Kogan, I. (2020). *Self-fulfilling prophecies in the classroom: Teacher expectations, teacher feedback and student achievement*. *Learning and Instruction*, 66, 101296.
57. Raymond, R., (1968). *Determinants of the quality of primary and secondary public education in West Virginia*. *The Journal of Human Resources*, 3,4, 450–470
58. Thanh Pham, T. H. (2013). *Using group projects as a strategy to increase cooperation among low-and high-achieving students*. *Higher Education Research & Development*, 32(6), 993–1006.
59. Parkin, H. J., Hepplestone, S., Holden, G., Irwin, B., & Thorpe, L. (2012). *A role for technology in enhancing students' engagement with feedback*. *Assessment & Evaluation in Higher Education*, 37(8), 963–973.

УЎК: 35.0784.(575.1)

Нурбек ЮЛДАШЕВ,
PhD (география фанлари бўйича),
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти
бош илмий ходими,
E-mail: yuldashev-nurbek@list.ru,
Нуриддин НОРМУРОДОВ,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
иқтисодиёт факультети талабаси

Аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлашда ижтимоий шартноманинг аҳамияти

Аннотация: ушбу мақолада аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишда “ижтимоий шартнома” тизимидан фойдаланиш, унинг халқаро амалиётда қўлланилиши ҳамда самарадорлиги, тизимни қўллашда юзага келадиган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган аҳоли, “ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, ижтимоий шартнома, камбағаллик, камбағаллик чегараси, “темир дафтар”.

Значение социального контракта в поддержке малообеспеченных слоев населения

Нурбек Юлдашев,
PhD (по географическим наукам),
Главный научный сотрудник Института
макроэкономических и региональных исследований,

Нуриддин Нормуродов,
студент экономического факультета
Национального университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека

Аннотация: в данной статье приводятся научно обоснованные предложения и рекомендации по использованию системы “социальный контракт” в социальной защите малообеспеченных слоев насе-

ления, ее применению и эффективности в международной практике, проблемам, возникающим при применении системы и их устранению.

Ключевые слова: социальная защита, малообеспеченное население, “единый реестр социальной защиты”, социальный контракт, бедность, черта бедности, “железная тетрадь”.

The importance of the social contract in supporting low-income segments of the population

Nurbek Yuldashev,
PhD (in Geography),
Chief Research Associate at the Institute
for Macroeconomic and Regional Studies,
Nuriddin Normurodov,
Student of the Faculty of Economics
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek

Abstract: this article presents scientifically based proposals and recommendations on the use of the “social contract” system in the social protection of low-income segments of the population, its application and effectiveness in international practice, problems arising in the application of the system and their elimination.

Keywords: social protection, low-income population, “unified register of social protection”, social contract, poverty, poverty line, “iron book”.

Кириш. 2022 йилда БМТ тараққиёт дастури ва Оксфорд камбағалликни қисқартириш ва инсон тараққиёти ташаббуслари маркази ҳамкорликда эълон қилган ҳисоботга кўра, дунё бўйлаб 1,2 млрд инсон кўп ўлчамли камбағаллик мезонлари бўйича камбағал ҳаёт кечириётгани, уларнинг аксарияти суткасига 2,15 АҚШ долларидан кам даромад топаётгани ҳамда ижтимоий инфратузилмалар (ичимлик суви, канализация, электр энергияси, интернет алоқаси ва ҳ.к.)дан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидан фойдаланишда имкониятлари чекланганлиги аён бўлган. Бир сўз билан айтганда, дунё бўйлаб эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли улуши сезиларли рақамларни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги, амалга ошираётган ислохотлари ҳамда ички тараққиёт йўналишларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга турлича ёндашилмоқда. Мамлакатлар ҳукумати ўз фуқароларининг фаровон турмуш кечиришини таъминласа, аниқ ва манзилли механизмларни жорий этсагина ижтимоий давлат тамойилига эришган бўлади. Бу борада аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий заиф қатламларига турли кўринишдаги молиявий ва номолиявий ёрдам механизмларини жорий этиши ҳамда шаффофлигини таъминлаши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу мақолада аҳолининг эҳтиёжманд қатламини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматлар самарадорлигини ошириш, бу борада хорижий илғор тажрибаларни таҳлил қилиш ва улардан мамлакатимизда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ёритилади.

Адабиётлар шарҳи. Ижтимоий шартнома – давлат (ёки унинг номидан бирор мансабдор шахс) билан кам таъминланган фуқаро ёки оила (яшаш минимуми ёки камбағаллик даражасидан паст ҳаёт кечириётган) ўртасида ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш ҳамда томонларнинг вазифа ва мажбуриятлари акс этадиган расмий ҳужжатдир. Шартнома одатда икки томонлама ва кўп томонлама бўлиши мумкин [1] [3] [4] [5].

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, эҳтиёжманд қатламни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ислохотлари доимий равишда кун тартибда бўлган. Бироқ, мамлакатда шу пайтга қадар аҳолининг ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланиш даражаси мониторинги юритилмайди, ушбу ёрдамларнинг самарадорлиги умумий маъ-

нода кўринсада, манзилли равишда, ҳар бир оила ёки фуқаронинг ижтимоий ёрдам ва хизматлардан, имтиёзлардан фойдаланиб “кам таъминланган оила” деган тоифадан чиқиб кетганини кўрсатувчи маълумотлар тўплаб борилмаган.

Аммо шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Давлат маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолига берилаётган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 225-сон қарори эълон қилинганини, унга кўра, ишсиз аҳоли тоифаларига маълум имтиёз ва маблағлар ажратиш орқали уларнинг самарадорлигини кузатиб боришга мўлжалланган ижтимоий шартномалар тузиш вақтинчалик тартиби ишлаб чиқилганини қайд этиш лозим [1].

Унга кўра, ижтимоий шартнома – мамлакатдаги маҳаллий меҳнат органларига иш сўраб мурожаат қилган ҳамда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган аҳолига давлат маблағлари ҳисобидан ажратилаётган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида банд бўлмаган аҳоли ва туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ўртасида тузиладиган расмий ҳужжат сифатида таърифланган.

Аслида, тарихий даврлардаги ижтимоий шартномаларда замонавий шаклларидаги каби меъёрлар ва асосий шартлар акс этмаган бўлса-да, моҳиятан ижтимоий шартноманинг функцияларини бажарувчи келишувлар бўлгани маълум. Мисол учун, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида аҳолига турли хил кўринишдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилиши белгиланган бўлиб, жумладан, “деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоблар тайёрлаб берилсин, агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин” [2], қабилидаги кўрсатмалар қайд этилган.

Бундан ташқари, Соҳибқирон ўз мулозимларига тиланчилик қилиб юрувчи инсонларга ўз даромадини шакллантириб, одатий турмуш кечиришга ёрдам берадиган касб-хунар ўргатиш, ижтимоий кўмак берилишини тайинлаган, мабодо шундан кейин ҳам тиланчилик қилиб юрадиган бўлса, бундай фуқароларни мамлакатдан бадарға қилиб юбориш шартлари ўрнатилганлиги маълум.

Адабиётлардан маълумки, расмий ва замонавий кўринишдаги ижтимоий шартномалар илк марта АҚШда қўлланилган [6]. XX асрнинг биринчи ярмида мамлакатда ижтимоий шартноманинг жорий этилишига сабаб амалга оширилаётган ижтимоий дастурлар самарадорлигининг пастлиги, шунингдек, бюджетга босимнинг ортиши туфайли ижтимоий ҳимоя тизимини ислоҳ қилиш зарурати билан боғлиқ бўлган.

Буюк депрессия даврида (1929-33 йилларда) ижтимоий шартнома ёрдамида миллионлаб уй

хўжаликларига ёрдам кўрсатилган. Президент Ф.Рузвельт буйруғи билан ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли йўллар, давлат муассасалари ва бошқа инфратузилма объектларини куришга ёлланган ҳамда бунинг учун уларга маош ва озиқ-овқат пакетлари берилган. Бирок, ўша даврдаги дастурлар, гарчи улар камбағалларга катта ёрдам кўрсатган бўлса-да, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик мотивациясини нисбатан пасайтирар, бу эса ижтимоий нафақаларга қарамлик ошишига олиб келган эди.

1-жадвал

Ижтимоий шартноманинг айрим турлари амалда бўлган мамлакатлар тажрибалари*

№	Мамлакат	Ижтимоий шартнома шартлари
1.	Финляндия	Ишсизлик нафақасини олаётган оила (фуқаро) унга таклиф этилган ишдан бош тортса, унга тўланадиган ишсизлик нафақаси 20 фоизга, агар бу ҳолат такрорланса 40 фоизга камайтирилади.
2.	Россия Федерацияси	Эҳтиёжманд фуқаролар ижтимоий шартнома шартларини муваффақиятли бажарса (иш топса, тадбиркорлик билан шуғулланса, малака ошириш курсларида қатнашса ёки ўз аҳолини яхшилаш учун бошқа чораларни кўрса) кейинги шартномани олиш ҳуқуқлари кенгайтирилади [7].
3.	Буюк Британия	Шартнома асосида нафақа олувчи нодавлат секторда (қўнғиллилар) ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тезкор гуруҳида ишлашга, 13 ойгача бўлган муддатга ўқиш учун таълим муассасасига ёзилишга мажбурдир, бунда ишсизлик нафақаси тўлиқ тўланади.
4.	Руминия	Ижтимоий нафақа оладиган оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзолари жамоат ишларига жалб қилинади. Лекин ишлаган вақти соатбай ҳисобида унга тўланган нафақа миқдорига пропорционал бўлиши лозим.
5.	Туркия	Ижтимоий нафақа олган оилалар болаларининг мактабга қатнаш давоматини таъминлаб беришлари шарт. Давомат кўрсаткичи 80 фоиздан пасайса нафақа бериш тўхтатилади.
6.	Франция	Шартнома камбағал оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш воситаси ҳисобланади ва унинг шартлари бажарилса узайтирилади, агар бажарилмаса фуқаро ёки оила бошқа ижтимоий органлар томонидан тўланадиган ногиронлик нафақасидан ташқари, барча ижтимоий дастурлардан четлаштирилади.

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқоридагилардан ташқари бошқа мамлакатларда ҳам аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жумладан, бегараз ижтимоий нафақалар ажратишни назарда тутувчи кўплаб дастурлар мавжуд бўлиб, ушбу нафақаларни олувчи муайян шартларга риоя қилиши лозим [8]. Бундай дастурларга Бразилиянинг “Оилавий ҳамён” (Bolsa Familia), Мексиканинг “Прогресс”, Чилининг “Бирдамлик” (Chile Solidario), Қозоғистоннинг “Орлеу” (Өрлеу) лойиҳаларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Асосий қисм.

Ижтимоий шартнома одатдаги расмий шартномалар каби томонлар, уларнинг вазифа ва мажбуриятлари ҳамда шартнома шартларидан иборат бўлса-да моҳиятан у ижтимоий хусусиятга эга бўлиши, давлат ёки мансабдор шахслар томонидан шартномада белгиланган вазифалар ўз вақтида ва

аниқ бажарилиши лозимлиги, эҳтиёжманд аҳоли эса ўзларига белгиланган шартларни имкон қадар бажариши ва шунинг ортидан камбағаллик ҳамда эҳтиёжмандликдан чиқиб кетишга қаратилган бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, ижтимоий шартнома орқали келишув тузилаётганда кам таъминланган фуқароларнинг манфаатлари бироз устун туриши, бундан ташқари, кекса ёшдаги, 1-2 гуруҳ ногиронлиги бўлган, жисмоний ва ақлий ривожланишдан ортда қолган, ёш етим болалар каби аҳоли тоифалари билан шартнома тузаётганда эҳтиёткорлик билан ёндашиш, давлат ва жамиятнинг бундай тоифалар тўғрисида ҳеч қандай шартномасиз ҳам ижтимоий ҳимояни таъминлаши зарурлигини унутмаслик лозим.

Маълумки, мамлакатда эҳтиёжманд оилаларга 10 дан ортиқ давлат идоралари ва нодавлат нотижо-

рат ташкилотлари томонидан 30 дан ортиқ молиявий ва номолиявий ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Лекин мазкур жараённинг тарқоқлиги, ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланувчиларнинг аниқ масъулияти ва мажбурияти белгиланмаганлиги ва ниҳоят барча хизматлар тўлиқ электрон тарзда эмаслиги тизимнинг асосий камчиликлари ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, кам таъминланган аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағал аҳолига ижтимоий ёрдам ва хизматларни тақдим этиш мажбуриятини (яъни, касб-ҳунар эгаллаш, даромад манбаини шакллантириш ва ҳ.к.) юклаган ҳолда мотивация бериш учун ижтимоий ҳимоя соҳасидаги барча механизмларни қамраб оладиган ижтимоий шартнома тизими йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий шартномалар одатда қуйидаги йўналишларда тузилади:

- эҳтиёжманд оила ёки бирор фуқаро билан бандликни таъминлаш соҳасида (иш билан таъминлаш эвазига субсидия, стипендия, грант ёки имтиёзли кредит ажратиш);

- эҳтиёжманд оила ёки унинг аъзоси билан бирор касб-ҳунар, хорижий тил (таълимнинг бошқа шакллари бўлиши ҳам мумкин, мисол учун олий ўқув юртида таълим олиш) ёки тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича;

- эҳтиёжманд оила ёки бирор фуқаро билан унга ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш бўйича (2-жадвал).

Ижтимоий шартномалар қуйидаги принциплар асосида тузилиши мақсадга мувофиқ:

1. Самарадорлик. Ижтимоий шартномалар эҳтиёжманд аҳолига кўрсатиладиган ёрдам ва хизматларнинг манзиллилиги, шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши лозим.

2. Индивидуаллик. Ижтимоий шартномалар ҳар бир оила ёки фуқаро билан индивидуал тарзда тузилиши лозим.

3. Эркинлик. Ижтимоий шартномада томонлар ўзларига бириктирилган вазифа ва мажбуриятларни тўлиқ бажариши, шартномалар тузилиши мутлақо эркин бўлиши ҳамда мажбурий тарзда тузилмаслиги лозим.

4. Боқимандалик чекланганлиги. Ижтимоий шартномалар эҳтиёжманд аҳоли учун боқимандаликни келтириб чиқарадиган механизмга айланиб қолмаслиги лозим.

Хорижий тажрибалардан маълумки, ижтимоий шартномада одатда ижтимоий ёрдам ва хизмат кўрсатувчи томон, яъни шартномага давлат номидан имзо чекувчи тараф маълум бир вазирлик ёки идоранинг маҳаллий даражадаги вакили ҳисобланса, ижтимоий ёрдам ва хизматдан фойдаланувчи иккинчи тараф сифатида эҳтиёжманд оила бошлиғи ёки вакили қатнашади.

Одатдаги ижтимоий шартномада томонлар, уларнинг асосий вазифа ва функциялари, мажбуриятлари, шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари ҳамда томонларнинг реқвизитлари кўрсатилади.

2-жадвал

Эҳтиёжманд аҳолига ижтимоий шартнома орқали кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматлар рўйхати

Ижтимоий	Ҳуқуқий	Педагогик-психологик	Тиббий
<ul style="list-style-type: none"> - Уй-жой билан таъминлаш; - Уйни таъмирлашга ёрдам бериш; - Уй-жой ижарасига ёрдам кўрсатиш; - Бандликка кўмаклашиш; - Ижтимоий нафакалар ажратиш; - Пенсия ва нафакалар тайинлаш; - Бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш; - Субсидия ва имтиёзли микрокредитлар олишга ёрдамлашиш; - Солиқ ва бошқа тўловлардан имтиёзлар бериш; - Реабилитация маркази ёрдамларини кўрсатиш; - Киш мавсумида ёкилги/кўмир билан таъминлашга ёрдамлашиш; - Оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш марказлари орқали хизмат кўрсатиш; - Болани ҳомийлик остидаги оилаларга жойлаштириш; - Бошқалар. 	<ul style="list-style-type: none"> - Паспорт ва доимий яшаш жойи гувоҳномаси олишга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; - Болага туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олишга ёрдам кўрсатиш; - Фуқароларнинг ижтимоий хизматларга бўлган ҳуқуқлари бўйича маслаҳат бериш; - Пенсия, нафақа олиш, васийлик/ҳомийликни рўйхатдан ўтказиш, фарзанд асраб олиш учун зарур ҳужжатларни тўплашга кўмаклашиш; - Судга оид материалларни топширишга ёрдам кўрсатиш; - Қариндошлик ришталарини тиклаш ва излашга ёрдам кўрсатиш; - Муомалага лаёқатсиз фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; - Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; - Бола асраб учун ҳужжатларни расмийлаштиришга ёрдам кўрсатиш; - Бошқалар. 	<ul style="list-style-type: none"> - Касб-ҳунар, хорижий тил ва тадбиркорликка ўқитиш; - Турли стипендия, грант ва бошқалар ажратиш; - Ахлоқий-психологик ёрдам кўрсатиш; - Психолог хизматларини кўрсатиш; - Ота-она/фарзанд муносабатларини тиклашга ёрдамлашиш; - Болаларни таълим жараёнига мослашувига ёрдамлашиш; - Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ихтисослашган махсус муассасаларга жойлашувига ёрдамлашиш; - Ота-оналар ва таълим муассалари ўртасида муносабатларни мустаҳкамлаш; - Ижтимоий-педагогик маслаҳатлар бериш; - Уйда ўқишларни ташкил этиш; - Болани имтиёзли тўловлар асосида мактабга таълим муассаларига жойлаштиришга ёрдамлашиш; - Ўқувчиларни дарсликлар, ўқув қуроллари, мактаб формаси билан бепул таъминлаш; - Бошқалар. 	<ul style="list-style-type: none"> - Поликлиника ва кишлоқ-врачлик пунктларида тиббий хизмат кўрсатиш; - Худудий шифохоналарда тиббий хизмат кўрсатиш; - Юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш; - Санатория-курортларда даволаниш; - Тиббий реабилитация хизматини кўрсатиш; - Психотерапевт хизматларини кўрсатиш; - Махсус дастурга мувофиқ дори-дармон билан таъминлаш бўйича маслаҳат бериш; - Дори-дармон сотиб олиш учун моддий ёрдам кўрсатиш; - Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича суҳбатлар ўтказиш; - Бошқалар.

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шу билан бирга, тузилган ижтимоий шартнома-ларга эҳтиёжманд оиланинг камбағалликдан чиқиб кетишини, яъни, ижтимоий шартнома шартларининг бажарилишини мониторинг қилиб бориш мақсадида илова тарзда ҳар бир оиланинг индивидуал дастурини тузиш мумкин. Ушбу дастурга шу билан бирга шартномада имзо чеккан масъул идора вакилининг (ёки мансабдорларнинг) кўрсатилган ижтимоий ёрдам ва хизматлар бўйича маълумотлари киритилиб борилиши шартномага қай тарзда амал қилинаётганини мониторинг қилишда асқотади.

Одатда, ижтимоий шартномалар кўрсатиладиган хизмат ва ёрдам турлари босқичма-босқич камайтириб бориладиган, бир марталик ва доимий шаклларда тузилиши мумкин. Босқичма-босқич ёки маълум бир даврга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўхтатиладиган шартномалар тузилган пайтда кўпроқ ёрдам пакетларидан иборат бўлиши, йилдан йилга шартнома шартларига риоя этилса, ёрдамлар ўз вақтида ва белгиланган миқдорларда берилиши, аксинча агар шартлар бузилса, ёрдамлар ҳам тўхтатилиши белгиланади. Аксинча, босқичма-босқичли шартномаларда бошида ижтимоий ёрдам ва хизматлар турлари камроқ кўрсатилиб, улардан оқилона фойдаланган оилаларга қўшимча ёрдамлар кўрсатилиши мумкин.

Бир марталик шартномалар энг оддий кўринишдаги келишувлар бўлиб, унда асосан бир хил ёрдам ёки хизмат таклиф этилади. Дунёнинг кўплаб ривожланаётган мамлакатларида ана шундай келишув-

лар тузилиши мумкин. Мисол учун, Нобель мукофоти совриндорлари, машҳур олимлар Эстер Дюфло ва Абхижит Банержилар Ҳиндистонда ўтказилган тадқиқотларида камбағал оилалар фарзандларини турли касалликларга қарши эмлашга тарғиб қилишган. Тадқиқот бошида кўплаб камбағал оилалар фарзандларини вакцинация жараёнига олиб боришмаган. Шунда олимлар болаларни эмлатиш ҳисобига ясмик (чечевица) берилишини эълон қилишганидан сўнг ота-оналар қизиқа бошлаган ва сўровда қатнашганлар орасида фарзандлари вакцина олганлар улуши қисқа муддатда 2 фоиздан 39 фоизгача ўсган [9].

Юқоридагилардан ташқари, доимий ёки узок муддатли асосда тузилиши мумкин бўлган шартномалар ҳам мавжуд бўлиб, бундай шартномалар одатда ногиронлиги бўлган шахслар билан тузилиши мумкин. Чунки бундай тоифа инсонлар умрининг охиригача ижтимоий заиф қатлам бўлиб қолиши мумкин ҳамда улар доимий равишда ижтимоий кўллаб-қувватловга муҳтож бўлишади. Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилалар билан тузиладиган узок муддатли шартномаларда оилалар маълум бир тадбиркорлик йўналишида фаолият олиб бориши эвазига уларга ёрдам кўрсатилади. Яъни, эҳтиёжманд оила қанча кўп вақт маълум бир фаолиятни амалга ошираверса, уларга шунча давр мобайнида ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар тақдим этилаверади.

Намунавий шаклда тузиладиган ижтимоий шартномаларда акс этадиган ёрдам ва имтиёзларнинг қуйидаги шакллари кўриш мумкин.

3-жадвал

Эҳтиёжманд оилага ижтимоий шартнома орқали ёрдам кўрсатиш (оила аъзолари ишсиз эр-хотин ва 3 нафар фарзанддан иборат)

Биринчи йилда	Иккинчи йилда	Учинчи йилда	Натижалар
<p>Тўғридан тўғри ижтимоий ёрдам:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ижтимоий нафақа ажратиш; - МТМ тўловидан озод этиш; - дарсликлар ижараси тўловидан озод этиш; - кийим-бош учун моддий ёрдам. <p>Инсон капитални ривожлантириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - эр-хотинни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш. <p>Бирламчи капитални шакллантириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иссиқхона, уруғ ва кўчатлар учун субсидия ажратиш; - кооперативлар аъзолик бадалига субсидия ажратиш; - ўзини ўзи банд қилганларни зарурий жиҳозлар билан таъминлаш; - оилавий тадбиркорлик дастури доирасида кредит ажратиш. 	<p>Тўғридан тўғри ижтимоий ёрдам:</p> <ul style="list-style-type: none"> - МТМ тўловидан озод этиш; - дарсликлар ижараси тўловидан озод этиш; - кийим-бош учун моддий ёрдам. <p>Бирламчи капитал:</p> <ul style="list-style-type: none"> - уруғ ва кўчатлар учун субсидия ажратиш. 	<p>Тўғридан тўғри ижтимоий ёрдам:</p> <ul style="list-style-type: none"> - МТМ тўловидан озод этиш; <p>Инсон капитални ривожлантириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> бир нафар фарзандни касб-хунарга ўқитиш. 	<p>Оила тўлиқ ўз даромад манбаини шакллантириб олади. Кичик фарзандлар МТМга қатнови ортидан эр-хотин тўлиқ иш ва даромад манбаига эга бўлади.</p> <p>Тўртинчи йилга бориб ва ундан кейин бу оилага ҳеч қанака ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар берилмаслиги лозим.</p>

4-жадвал

Эҳтиёжманд оилага ижтимоий шартнома орқали ёрдам кўрсатиш
(оилада ишсиз аёл ва ногиронлиги бўлган эр 2 нафар фарзанд билан яшайди)

Биринчи йилда	Иккинчи йилда	Учинчи йилда	Натижалар
<p>Тўғридан тўғри ижтимоий ёрдам: - ижтимоий нафақа ажратиш; - МТМ тўловидан озод этиш; - дарсликлар ижараси тўловидан озод этиш; - реабилитация ва ортопедия воситалари (доимий).</p> <p>Инсон капитални ривожлантириш: - аёлни касб-хунарга ўқитиш.</p> <p>Бирламчи капитални шакллантириш: - ўзини ўзи банд қилганларни зарурий жиҳозлар билан таъминлаш ва субсидия бериш.</p>	<p>Тўғридан тўғри ижтимоий ёрдам: - МТМ тўловидан озод этиш; - дарсликлар ижараси тўловидан озод этиш; - реабилитация ва ортопедия воситалари (доимий).</p> <p>Бирламчи капитал: - имтиёзли шартларда кредит ажратиш.</p>	<p>Тўғридан тўғри ижтимоий ёрдам: - МТМ тўловидан озод этиш; - реабилитация ва ортопедия воситалари (доимий).</p> <p>Инсон капитални ривожлантириш: бир нафар фарзандни касб-хунарга ўқитиш.</p>	<p>Оила тўлиқ ўз даромад манбаини шакллантириб олади. Кичик фарзандлар МТМга қатнови ортидан аёл тўлиқ иш ва оила даромад манбаига эга бўлади.</p> <p>Тўртинчи йилдан бошлаб фақат доимий равишда реабилитация ва ортопедия воситалари берилиши мумкин.</p>

Намуна

Давлат ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиши бўйича
_____сонли “Ижтимоий шартнома”

" " 20 й.

(аҳоли пункти номи)

_____ туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари (кейинги ўринларда – “Давлат ташкилоти”) бир томондан, _____ йилда туғилган,

_____ манзилида истиқомат қилувчи фуқаро

(кейинги ўринларда – “Фуқаро”) иккинчи томондан куйидаги шартномани туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1.

2. “Давлат ташкилоти”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. “Давлат ташкилоти” куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2. “Давлат ташкилоти” нинг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

3. “Фуқаро”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. “Фуқаро” куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2. “Фуқаро”нинг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

4. Низоларни ҳал этиш тартиби

4.1

5. Шартноманинг амал қилиш муддати

5.1.

6. Яқуний қондалар

6.1.

7. Томонларнинг манзиллари ва маълумотлари

1-чизма. Ижтимоий шартноманинг намуна варианты

Хулоса ва таклифлар. Амалга оширилган таҳлиллар ҳамда хорижий тажрибалардан келиб чиқиб куйидагиларни хулоса қилиш мумкин.

1. Ўзбекистонда фақатгина аҳолини иш билан бандлигини оширишга қаратилган ижтимоий шартнома амалда эканлиги ҳамда ушбу шартнома бўйича аҳолининг барча тоифадаги кам таъминланган қатлами камраб олинмасдан, ишсиз фуқаролар билан тузилишини инobatга олган ҳолда ижтимоий шартнома тизимини тўлиқ татбиқ этиш, яъни аҳо-

лининг барча эҳтиёжманд қатламлари билан шартнома орқали, индивидуал тарзда ёрдам ва имтиёзлар тақдим этилишига эришиши зарур.

Бунда албатта индивидуал ёндашув ҳар бир оила ёки эҳтиёжманд фуқаронинг жорий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда унга маълум бир мажбуриятларни юклашга қаратилган бўлиши лозим.

2. Кам таъминланган оилалар ва фуқаролар билан шартнома орқали ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш нисбатан янги тизим бўлганлиги

учун аҳоли ўртасида унинг афзаллиги, зарурлиги, моҳияти ва самарадорлигини тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳамда тажриба тарикасида маълум ҳудудларда синовдан ўтказиш тавсия этилади. Шундан сўнг уни бутун мамлакат бўйича амалиётга киритиш лозим.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатда аҳоли бандлиги соҳасида ишсизлар билан ижтимоий шартнома орқали ишлаш тартиби йўлга қўйилган бўлса-да, бугунги кунга келиб ушбу шартноманинг самараси кўринмаяпти.

3. Аҳоли ижтимоий шартнома орқали ёрдам ва хизматлар кўрсатилишида давлат ва мутасаддиларнинг ўз вазифаларини тўлиқ бажаришига, ўз навбатида эҳтиёжманд оилалар мажбуриятларига сидқидилдан ёндошишларига ишониши, ушбу тизим навбат-

даги бюрократик механизм бўлиб қолмай, аҳолига манзилли ва индивидуал ёрдам кўрсатиладиган, бериладиган имтиёз ва преференциялардан оқилона фойдаланиладиган тизимга айланиши лозим. Бунинг учун тарафлар ўз вазифаларини шартномада белгиланганидан оғишмай адо этиши зарур.

4. Эҳтиёжманд оилалар билан тузиладиган ижтимоий шартномалар амалда мавжуд бўлган “Онлайн-маҳалла” платформасида акс этиши, унда белгиланган вазифа ва мажбуриятларнинг бажарилишини бевосита онлайн тарзда кузатиб бориш имконияти яратилиши зарур. Бунда ҳар бир оила ёки фуқаро билан тузилган шартнома бандларининг бажарилиши индивидуал дастур ёки “Онлайн маҳалла” платформасида акс этиши лозим.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Давлат маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолига берилаётган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 225-сон қарори.* <https://lex.uz/docs/5378763>

2. *Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асари.* <https://temurtuzuklari.uz/>

3. *Адресная социальная помощь: теория, практика, эксперимент /под. ред. Н.М. Римашевской. – М., 1999. – С. 12.*

4. *Карпенко О.И., Павловская О.Ю. Адресная социальная помощь: история, современность, перспективы //Право. Журнал Высшей школы экономики. 2018. № 1. – С. 78–91.*

5. *Рябова Е.Н. Адресная социальная помощь //Ученые записки Российского государственного университета. 2011. № 10. – С. 13.*

6. *Кравченко Е.В. Социальный контракт как перспективный механизм повышения эффективности социальной защиты населения //Экономика труда. – 2019. Том 6. № 2. – стр.827-840.*

7. https://www.gosuslugi.ru/help/faq/add_support/102193

8. *Пузырёва А.А «Государственная социальная помощь малообеспеченным гражданам, основанная на механизме встречных обязательств (социальный контракт): оценка эффективности и перспективы развития» Вестник Омского университета. “Право”. 2018. № 1 (54). – С. 139–145.*

9. *“Вакцинация, чечевица, школы и тьюторы: за что присудили премию Нобеля по экономике. Как ставить эксперименты по искоренению бедности”. Статья в сайте <https://indicator.ru/>.*

Xizmat ko'rsatish, logistika va infratuzilma / Сервис, логистика и инфраструктура /
Service, logistics and infrastructure

УЎК: 339.16.339.137.(575.1)

Nigina SULTANOVA,
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tayanch doktoranti,
E-mail: sultanova-nigina@list.ru

Chakana savdo korxonalarining strategik raqobatbardoshligini ta'minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi

Annotatsiya: korxonaning muvaffaqiyatli rivojlanishi, bozorda o'z mavqei hamda pozitsiyasiga ega bo'lishi va oqilona boshqaruv qarorlarini qabul qilishda uning strategik raqobatbardoshligini ta'minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi muhim ahamiyatga egamasala hisoblanadi. Maqolada chakana savdo korxonalarining strategik raqobatbardoshligini ta'minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini ishlab chiqishning muhim tomonlari, tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi loyihalash kabilar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: chakana savdo, raqobatbardoshlik, strategik raqobatbardoshlik, tashkiliy-iqtisodiy mexanizm, funksional bo'linmalar, strategik maqsadlar, brend, moddiy-texnik salohiyat, brend raqobatbardoshligi, innovatsion texnologiyalar, mehnat salohiyati, motivatsiya, rejalashtirish.

Организационно-экономический механизм обеспечения стратегической конкурентоспособности предприятий розничной торговли

Нигина Султанова,
докторант Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация: организационно-экономический механизм обеспечения стратегической конкурентоспособности является важным фактором успешного развития предприятия, а также его позиционирования на рынке и принятия рациональных управленческих решений. В данной статье рассма-

триваются значимые аспекты развития организационно-экономического механизма, способствующего гарантированию стратегической конкурентоспособности розничных торговых предприятий, а также проектирования этого механизма.

Ключевые слова: розничная торговля, конкурентоспособность, стратегическая конкурентоспособность, организационно-экономический механизм, функциональные подразделения, стратегические цели, бренд, материально-технический потенциал, конкурентоспособность бренда, инновационные технологии, трудовой потенциал, мотивация, планирование.

Organizational and economic mechanism for ensuring strategic competitiveness of retail enterprises

Nigina Sultanova,
PhD student of Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract: the organizational and economic mechanism that ensures its strategic competitiveness is an important aspect for the successful development of a company, its position in the market, and the rational decision-making. This article describes the significant aspects of the development of the organizational and economic mechanism that supports the strategic competitiveness of retail enterprises, as well as the design of this mechanism.

Keywords: retail trade, competitiveness, strategic


competitiveness, organizational-economic mechanism, functional divisions, strategic goals, brand, material and technical potential, brand competitiveness, innovative technologies, labor potential, motivation, planning.

Kirish. Bugungi kunda Yangi O‘zbekistonda aholiga savdo xizmatlarini ko‘rsatish orqali aholi turmush farovonligini oshirish borasida qilinayotgan sa’y-harakatlar xizmat ko‘rsatish hajmi va sifatini oshirish, savdo infratuzilmasini rivojlantirish, elektron tijorat hamda raqamli platformalarni joriy etish natijasida chakana savdo korxonalarining strategik raqobatbardoshligi va iqtisodiy samaradorligi oshib bormoqda. Iqtisodiyotning beqaror rivojlanishi sharoitida savdo korxonalarini uchun eng dolzarb muammo raqobatbardosh ustunliklarni qo‘lga kiritish va saqlab qolish hisoblanadi. Savdo korxonasining raqobatbardoshligini boshqarish imkoniyati uni baholash modelini yaratish orqali amalga oshiriladi. Bugungi kunda chakana xizmat ko‘rsatish korxonalarini rahbarlari korxonaning raqobatbardoshligini integral ko‘rsatkichlar yordamida baholashga katta qiziqish bildirmoqdalar. Uning asosiy afzalligi shuki, korxonaning moliyaviy imkoniyatlari, savdo-iqtisodiy faoliyat samaradorligi, moddiy-texnika bazasi va mehnat salohiyati shuningdek, mahsulot raqobatbardoshligi va brend muvaffaqiyatini kompleks baholash orqali komponentlarni birlashtirish qobiliyatidan iboratdir.

Asosiy qism. Chakana savdo korxonalarining strategik raqobatbardoshligini ta’minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi tahlil [1, 2, 3] asosida shakllantirildi va raqobatbardoshlikni boshqarishning quyidagi bosqichlarini ajratishni nazarda tutadi:

- strategik raqobatbardoshlikni shakllantiruvchi maqsadli ko‘rsatkichlarni aniqlash;
- strategik raqobatbardoshlikni boshqarish (tashkil etish va muvofiqlashtirish);
- strategik raqobatbardoshlikni ta’minlash ustidan nazorat;
- asosiy ko‘rsatkichlar bo‘yicha strategik raqobatbardoshlikni baholash;
- strategik raqobatbardoshlikni boshqarish bosqichlarini tahlil qilish;
- boshqaruv qarorlarini tuzatish.

Korxonaning funksional bo‘linmalarini boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy funksiyalari bilan aloqasi 1-rasmda ko‘rsatilgan.




1-rasm. Chakana savdo korxonasining raqobatbardoshligini boshqarishning asosiy bosqichlarining tashkiliy sxemasi (muallif tomonidan ishlab chiqilgan)

Манба: муаллиф томонидан тuzилган.

Chakana savdo korxonalarini strategik raqobatbardoshligini ta’minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini ishlab chiqishning muhim tomonlaridan biri korxonada funksional bo‘linmalari va boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy funksiyalari o‘rtasidagi munosabatlarni o‘rnatishdir.

Tashkiliy-iqtisodiy mexanizmni loyihalashda kompleks yondashuv korxonaning barcha tarkibiy bo‘linmalari sa’y-harakatlarini yagona tizimga birlashtirishga yordam beradi hamda chakana savdo korxonasining strategik raqobatbardoshligini ta’minlash uchun ular faoliyatini maqsadli boshqarishga yordam beradi.

Chakana xizmat ko‘rsatish korxonasi strategik raqobatbardoshligini ta’minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi kompleks yondashuv asosida shakllantiriladi, unga ko‘ra strategik raqobatbardoshlikni ta’minlash konsepsiyasi tovar hayotiy davrining barcha bosqichlarini, boshqaruvning barcha darajalari, ham vertikal boshqaruv bo‘g‘inlari, ham gorizontal boshqaruv funksiyalari bo‘yicha qamrab olishi kerak (2-rasm).



2-rasm. Korxonalarining strategik raqobatbardoshligini ta'minlash mexanizmining harakat yo'nalishlari sxemasi

Manba: muallif ishlanmasi.

X - Boshqaruv bo'g'ini

1. Ijrochilar.
2. Menejerlar va mutaxassislar.
3. Bo'lim boshliqlari.
4. Korxonada direktori.

Y – Tovar hayotiy davri bosqichlari


1. Rivojlanish.
2. Bozorga kirish.
3. O'sish bosqichi.
4. Yetuklik bosqichi.
5. To'yinish va pasayish.

Z - Boshqaruv funksiyalari

1. Rejalashtirilgan ko'rsatkichlarni aniqlash.
2. Tashkil etish va muvofiqlashtirish.
3. Raqobatbardoshlikni ta'minlashni nazorat qilish.
4. Asosiy ko'rsatkichlarni baholash.
5. Boshqaruv bosqichlarini tahlil qilish.
6. Boshqaruv qarorlarini tuzatish.

Korxonaning strategik raqobatbardoshligini ta'minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmida birlashtirilgan barcha mutaxassislar va tarkibiy bo'linmalarining muvofiqlashtirilgan faoliyati uchun ularning funksiyalarini farqlash, lavozim majburiyatlarini belgilash kerak (3-rasm).

Tashkiliy-iqtisodiy mexanizmining o'zagi (yadrosi) bu maqsadlar uchun maxsus yaratilgan raqobatbardoshlikni boshqarish bo'limi hisoblanadi [4]. Ushbu bo'lim bozor konyunkturasini, raqobatchilarning faoliyatini nazorat qiladi, tovarlar, xizmatlar, brend va umuman korxonaning talab qilinadigan raqobatbardoshligini ta'minlash uchun raqobat strategiyalarini ishlab chiqadi; mijozlarning sodiqlik tizimini yaratish; chakana savdo korxonasining



3-rasm. Raqobatbardoshlikni boshqarish bo'limining korxonada tarkibiy bo'linmalari bilan aloqasi

Manba: muallif ishlanmasi.

raqobatbardoshligini ta'minlashning barcha sohalarida strategik nazoratni amalga oshirish kabi vazifalarni ham amalga oshiradi. Raqobatbardoshlikni boshqarish bo'limi chakana savdo korxonasining barcha bo'limlari faoliyatini tashkil qiladi va muvofiqlashtiradi. Shu sababli, strategik maqsadlarga muvofiq, raqobatbardoshlikni boshqarish bo'yicha funksional majburiyatlarni aniqlash va ularni korxonaning bo'limlari, tarkibiy bo'linmalari o'rtasida oqilona taqsimlash kerak.

Chakana savdo korxonalarining strategik raqobatbardoshligini ta'minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi strategik maqsadlarni korxonaning strategik salohiyatidan foydalanishning barcha muqobil variantlaridan eng samaralisi bilan yakuniy natijaga aylantiradi. Belgilangan strategik maqsadlarni amalga oshirish uchun maqsadlarga erishishning tegishli tamoyillari va usullari shakllantirildi; strategik qo'llab-quvvatlash ko'rsatiladi, jumladan: axborot, uslubiy, me'yoriy va huquqiy; raqobatbardoshlikni ta'minlash va strategik boshqarish bo'yicha tashkiliy-iqtisodiy chora-tadbirlar ishlab chiqildi.

Shunday qilib, agar menejmentning maqsadi brendning raqobatbardoshligini oshirish bo'lsa, u holda quyidagi vazifalarni hal qilish kerak:

- brend kuchi ta'sirida sotish hajmini oshirish;
- brend omillari ta'sirida yaratilgan foyda miqdorini oshirish;
- brend kuchini saqlab qolish uchun marketing samaradorligini oshirish;
- sodiq mijozlar sonini oshirish;
- brendga uzoq muddatli sodiqlikni shakllantirish.

Chakana savdo korxonasi strategik raqobatbardoshligini ta'minlashning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini shakllantirish biznes barqarorligini oshirishga, ishbilarmonlik obro'sini va brend kuchini mustahkamlashga yordam beradi.

Brend raqobatbardoshligini boshqarishning maqsad va vazifalariga erishishning asosiy chorasi mijozlarning sodiqlik dasturini amalga oshirishdir.

Iste'molchilarning sodiqligini oshirish uchun chakana sotuvchilarga maxsus mobil ilovalar yaratish tavsiya etiladi, ular yordamida chakana sotuvchilar ham, potensial xaridorlar ham katta imtiyozlarga ega bo'lishadi:

- potensial va real xaridorlarni SMS-xabarnomalar orqali aksiyalar haqida o'z vaqtida xabardor qilish, bu esa reklama bukletlariga katta miqdorda PR mablag'larini tejash imkonini beradi;

- Mobilize mobil qurilmasidan to'lov uchun foydalanish smartfon va boshqa mobil qurilmalardagi ma'lumotlarni tezkor skanerlash orqali kassa xizmatlarini ko'rsatish paytida vaqtni tejaydi.

- mahsulotni reklama qilishning innovatsion usullaridan foydalanish uzoq vaqt davomida potensial xaridorlarni jalb qiladi. Vitriinalarga o'rnatilgan interaktiv displeylar o'tkinchilarning e'tiborini jalb qilish va o'z-o'zidan rejalashtirilmagan xaridlarni rag'batlantirish vositasi hisoblanadi. Chakana tovar va xizmatlarni interaktiv reklama qilishni amalga oshirish uchun kun davomida turli vaqtlarda, iste'molchilar oqimining chastotasini hisobga olgan holda reklama mazmunining o'zgarishini tartibga soluvchi ixtisoslashtirilgan kompyuter dasturlari ishlab chiqildi [5].

Shuni alohida ta'kidlash joizki, hozirgi kunda innovatsion texnologiyalar zamonaviy chakana savdo tarmog'ini rivojlantirishga xizmat qilmoqda, jumladan, smartfon yordamida chakana xizmatlar uchun to'lovni amalga oshirish, interaktiv ekranlar, internetdan foydalangan holda yangi mahsulotlar haqida ma'lumot olish, mijozlarga kiyim-kechaklarning kerakli o'lchamini tanlash uchun 3D-skanerlash imkoniyati va hokazo.

Albatta, brend raqobatbardoshligini oshirish va natijada butun korxonaning raqobatbardoshligini oshirishning eng muhim jihati mijozga yo'naltirilgan strategiyani amalga oshirishdir. Ushbu strategiya potensial xaridorlarning ehtiyojlarini, ularning moliyaviy imkoniyatlarini o'rganishni, ularning umidlari, didlari va imkoniyatlariga to'liq javob beradigan tovar va xizmatlarni taklif qilishni o'z

ichiga oladi. Sifatli brend mahsulotlarni hamyonbop narxlarda taklif qilish uzoq muddatli brendga sodiqlikni shakllantirishning muhim qismidir. Zamonaviy sharoitda savdo korxonasi foyda olishda faqat o'z manfaatlarini qondirishga qodir emas, chunki bu foyda qisqa muddatli hodisa bo'ladi. Asosiy vazifa – mijozlarga g'amxo'rlik qilish va ular bilan uzviy muloqot o'rnatish lozim.

Raqobatbardoshlikni boshqarishning strategik maqsadlari erishilgan raqobatbardoshlik darajasiga qarab turli korxonalar uchun farqlanadi. Agar raqobatbardoshlik yuqori yoki o'rta darajada baholansa, raqobatbardoshlikni boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy modelining maqsadlari ushbu darajani saqlab qolishga qaratilgan bo'ladi.

Agar korxonaning raqobatbardoshligi past darajada bo'lsa yoki korxonaning tanlangan strategiyasiga mos kelmasa, unda maqsadlar raqobatbardoshlikning alohida tarkibiy qismlarini kuchaytirishga qaratilgan bo'lishi kerak. Masalan, agar korxonadagi eng zaif bo'g'in mehnat salohiyatining raqobatbardoshlik darajasi bo'lsa, korxonada xodimlarni boshqarish samaradorligini oshirish uchun quyidagi vazifalarni hal qilishi kerak:

- mehnat unumdorligini oshirish;
- kadrlar almashinuvini kamaytirish;
- umumiy sondagi malakali kadrlar ulushini oshirish;
- xodimlarning motivatsiyasini oshirish;
- korporativ madaniyat elementlarini amalga oshirish.

**Shuni alohida ta'kidlash joizki,
hozirgi kunda innovatsion
texnologiyalar zamonaviy
chakana savdo tarmog'ini
rivojlantirishga xizmat
qilmoqda, jumladan, smartfon
yordamida chakana xizmatlar
uchun to'lovni amalga oshirish,
interaktiv ekranlar, internetdan
foydalangan holda yangi
mahsulotlar haqida ma'lumot
olish, mijozlarga kiyim-
kechaklarning kerakli o'lchamini
tanlash uchun 3D-skanerlash
imkoniyati va hokazo.**

Shunday qilib, chakana savdo korxonalarining raqobatbardoshligini baholashning taklif etilayotgan metodologiyasi savdo korxonalarining bozordagi mavqeini mustahkamlaydigan va raqobatchilarni siqib chiqaradigan parametrlarni tezda aniqlash imkonini

beradi. Baholash natijalari ushbu korxonaning bozordagi o'rnini aniqlash, kelgusi davr uchun strategik maqsad va vazifalarni belgilash, raqobatbardoshlikni oshirishga qaratilgan tashkiliy-iqtisodiy chora-tadbirlarni ishlab chiqish imkonini beradi.

Manba va adabiyotlar

1. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента [Текст]/М.Х. Мескон, М. Альберт, Ф. Хедоури. – пер. с англ. – М.: Дело, 2002.
2. Попов С.А. Стратегическое управление: 17-модульная программа для менеджеров "Управление развитием организации". Модуль 4 [Текст]/С.А. Попов. – М.: Инфра-М, 2000.
3. Райс Джонстон У. Тактический менеджмент [Текст]/У. Райс Джонстон. – пер. с англ. под ред. Л.Н. Ковалик. – СПб: Питер, 2001.
4. Севостьянова О.Г. Управление конкурентоспособностью торгового предприятия [Текст] / О. Г. Севостьянова // Вестник Белгородского университета кооперации, экономики и права. – Белгород, 2017. – том 65, №4.
5. Халитова А.И. Виртуальные витрины – инновации в ритейле [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://kirgteu.com/filemanager/download/1048> (дата обращения 12.02.17.).
6. Скловец В.Д. Инновации как инструмент развития конкурентоспособности коммерческой фирмы [Текст]/В. Д. Скловец //Креативная экономика. – 2009. – №9 (45).
7. Ёўлдошев И.К. Савдо корхоналари иқтисодиёти. Ёқув қўлланма. – Т. ТДИУ, 2005.



IQTISODIYOT:
TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

100000, Toshkent sh., Xadra massivi 33a.
Tel: (+998 71) 244-05-41. E-mail: jurnal@imrs.uz